



3 Чин фарзанднинг суврати

Онасини соғиниб, отасини йиғлатган йигит

4 Соҳибқироннинг Франциялик набираси

Самарқанддаги француз тилига ихтисослашган 43-умумтаълим мактаби франциялик профессор Люсьен Керен номи билан аталган бўлди.

6 Бутун дунёни кафтимизда кўрамиз

Меҳмонхоналаримизга ходимларни "чертиб-чертиб" ишга қабул қилиш керак. Зеро, бундай мулозимлар сайёҳларда мамлакатимиз ва халқимиз ҳақидаги илк тушунча шаклланишига сабаб бўлади.

Инсоннинг қадри қандай ошади?

«Обод маҳалла» дастури

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Обод маҳалла" дастури ишлаб чиқилгани узок йиллар эътибордан четда қолиб келаётган маҳаллаларни замонавий гўшаларга айлантириш, одамларимизга муносиб турмуш шароити яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўқтам АБДУЛЛАЕВ "Hurriyat" мухбири

Олти ойча бундан буён Гулистон шаҳрига зарур юмуш билан бориб, "Обод юрт" маҳалласига йўлим тушган эди. Кўча бўйидаги кўп қаватли уйларнинг ортидаги манзарани кўриб, лабимни тишлаган эдим. Йўл тугул йўлка ҳам йўқ. Ҳаммаёқ ўнқир-чўнқир. Дарахлар тарвақайлаб кетган. Бир томонда молхона, иккинчи ёнда тандирхона, пасткам савдо дўконлари...

шакл берилиб, шоир айтганидек "сочлари ювилиб, таралган қизга" ўхшатиб қўйилди... — Маҳалламизнинг илгариги ҳолатини эсласим ҳам келмайди, — дейди маҳалла раиси Дилноза Юнусова. — Қисқа муддатда тасаввуримизга сиғмаган ишлар бўлди. 25 кўп қаватли уй, 72 ҳовлида 3984 нафар аҳоли истиқомат қилади. Кўп қаватли уйлар 60-йилларда қурилган. Қаровсизлик, эътиборсизлик туфайли сув, канализация тизимлари ишдан чиққан. Хуллас, маҳалламиз ачинарли аҳволга келиб қолган эди. "Обод маҳалла" дастурига киритилганини эшитиб, барчамиз қувондик. Қурувчиларга маҳалламиз аҳли ҳам қўлидан келганча ёрдам берди. "Кўпдан кўн қочиб қутулмас" деганлари тўри экан. Бугун маҳалламиз аҳли хурсанд.



1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



Бухоро шаҳрида дастлабки нодавлат умумтаълим мактаби иш бошлади.

Маъмур муассасага 1, 3 ва 10-синфларга ўқувчилар қабул қилинди.

Мақтабда ўзбек тили ва адабиёти, математика фанларини, инглиз ва рус тилларини чўқур ўргатишга, шунингдек, ёшларда лидерлик қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

Давлат таълим стандартларига асосан фаолият бошлаган хусусий мактаб ўқув дастурига асосан қўшимча машғулотлар ҳам йўлга қўйилди. Улардан бири ментал арифметикадир. У боланинг ақлий қобилиятини ривожлантиришни самарали усули бўлиб, оғзаки ҳисоблаш услубига асосланади.

Ҳар бир синфда 20 нафардан бола ўқийди. Бу ил-

гор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда, улар билан индивидуал ишлаш имкониятини кенгайтириб, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражасига самарали таъсир кўрсатади.

Нодавлат таълим муассасаси жамоаси малакали ва махсус ўқув дастури билан ишлайдиган педагоглардан шакллантирилган. Улар ора-

сида хорижда таълим олган ва таъриба орттирган ўқитувчилар бор.

Истиқболда ушбу мактабда инглиз тили йўналишида ёзги оромгоҳ ташкил қилиш, шунингдек, мактабга таълим тизимини ҳам йўлга қўйиш режалаштирилган.

Тоҳир ИСТАТОВ

(ЎзА) фотоси



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Замонавий ривожланиш омили

Ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги буюк депрессия, кейин Иккинчи жаҳон уруши бу гоёни амалга оширишни орқага суриб юборди.

Селфихонлик соати

Ҳаммаси яхши-ку, лекин машғулот энди бошланганида ё энг қизиқ жойига келганида эшик тақиллагани ёмон. Ошга тушган пашшанинг ўзгинаси.

Мен севаман — сен севаганими?

Ушбу гаройиб сурат Тошкентнинг қоқ маркази — улуғ адиб Абдулла Қодирий номи билан аталувчи кўчада олинган.

Журналларни варақлаганда

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳаммуассислигида чоп этилаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнаlining 3-сони нашрдан чиқди.

Нашрнинг янги сони

Юсуф ЖўРАЕВ

Маъмур нашрда берилган Фулом Мирзонинг "Декларация ва Ҳаракатлар стратегиясининг мамлакатда фикр, сўз ҳамда ахборот эркинлигини таъминлашдаги аҳамияти" мақоласи инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигига 70 йил тўлиши муносабати билан ёзилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойиллари атрофида баён этилган.

Президентимизнинг фармони билан "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури" тасдиқланган бўлиб, ушбу фармонда соҳани янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Шунингдек, журнал саҳифаларида С.Отамуратов-

нинг "Истиқлол — миллий ўзгичилигини қайта тиклаш ниятини берган улуғ неъмат", Х.Кетмоновнинг "Бугунги ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдидаги устувор йўналиш ва янги аҳоллар" ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган партиялар мутасаддиларининг мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган мақолалари чоп этилган.

Жамият ва ҳуқуқ руқни остида чоп этилган мақолаларда нодавлат ва нотисон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси таъминлаш фаолияти, давлат самардорлигини оширишда ижтимоий капиталнинг ўрни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш самараси, илм-фанга эътибор масалалари атрофида ёритилган.

Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги олдида ўтказилган анжуманлар, тадбирлар ва тақдимотлар тўрисидаги ахборот-мақолалар ҳам ўқувчининг эътиборидан четда қолмайди деб ўйлаймиз.

Уюшма фаолиятдан

Танқидий таҳлил

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ҳарбий-ватанпарварлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Жобир РАЗЗОҚОВ

Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида барча соҳаларда юксак самараларга эришилганлиги алоҳида таъкидланди.

Бугунги таҳлилда замонавий бўлиб қолмоқда — тинч-осойишта, эркин ва обод ҳаётимизни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш энг асосий вазифамиз бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда миллий армиямизни янада такомиллаштириб, уни замонавий техника-технологиялар билан жиҳозлаш ҳамда тактик жиҳатдан юқори даражадаги тайёргарликка эга қўшни турларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз томонидан миллий армиямиз таркибида хизмат қилиш ҳар бир ўғлоннинг орзуси бўлишини таъминлаш мақсадида ўтган икки йил мобайнида қатор чора-тадбирлар белгиланди. Бу Қуролли Кучларимизнинг

жанговар салоҳиятини янада оширишда муҳим омил бўлаётди. "Миллий армиямиз — ифтихоримиз ва гуруримиз" тамойили мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг яқинлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, соҳада амалга оширилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка етказишда мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари олдида муҳим вазифалар қўйилган.

— Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ҳарбий-ватанпарварлик кенгаши фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шу йилнинг 9 январидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида" ги қонунда белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган, — дейди маъмур кенгаш раиси Алижон Сафаров. — Доктринанинг маъно-мазмунини биринчи навбатда очиклик билан боғлиқ. Унда Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари,

Қуролли Кучлар олдида турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар аниқ кўрсатиб берилган. Мудофаа салоҳиятини оширишга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни санаб ўтиш мумкин. Лекин бу борада мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг ушбу жараёни ёритишга оид фаолияти қандай кечмоқда? Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг ўтган даврида республикадаги босма нашрларда тўққиз юздан зиёд мақола, тўрт юздан зиёд фотосурат чоп этилган. Бунда "Ватанпарвар", "Ўзбекистон армияси", "Халқ сўзи", "Народное слово", "Правда Востока", "Хуррият", "Ёшлар овози" каби нашрларнинг ҳиссаси, айниқса, катта. Айни пайтда, материалларнинг 80 фоизидан ортиги хабар жанрида экани афсусланарли. Таҳлилий материаллар кам. Бу журналистларнинг соҳага ихтисослашуви сустр кечётгани билан изоҳланади.

Йиғилишда ватанпарварлик мавзусини ёритишда телерадиоканаллар томонидан эфирга узатилаётган кўрсатув ва эшиттиришлар ҳам танқидий қўриб чиқилди. Уларнинг сонини ва сифатини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Суд очерки



“Тур, хотин, уйга кетдик!”

Анвар МУСТАФОҚУЛОВ "Hurriyat" мухбири

АМРИ МАЪРУФ

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди. Каттақўрғонлик У.Санаевнинг навбатдаги даъво аризаси қўриб чиқилаётди. Ариза моҳиятан олдингиларининг ўзи — эр-хотиннинг ўртасидан "ола мушук" ўтган. Ажрашмоқчи. Тамом вассалом!..

Судья Байрамали Норов яна даъвои рад этди...

"Ажралиш куйи"ни чалмоққа киришганлар — ўттиз йиллик оиланинг эгалари, бир этак ўғил-қиз, неваранинг отаси-ю бобоси, онаси-ю момоси. Эр — тим қора сочлари

ҳафсала билан ортига таралган, башанг одам. Атрофига асабий боқадди. Хотин, аксинча, камқўримгина, ноқоргина. Жавдирган кўзлари саросимада. Юзларига ажин тушиб, сочига аллақачон оқ оралаган. Шу ёшида суд залида ўтирганидан азоб чекаётгани кўриниб турибди.

Суднинг рад жавобини эшитиб, аёлнинг юзи ёришгандай бўлди. Эр жанжал кўтарди. Судья бу каби ишларни кўравериб, "кўзи пишиб" кетган эмасми, У.Санаев нима сабабдан ажрашмоқчи эканини сезиб турарди.



► Депутат минбари

Иқтисодий ўсиш, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, биринчи навбатда, янги, замонавий корхоналар қуриш ва уларни кенгайтириш, йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, инфляция ва нархларни жиловлаш ҳамда одамларни иш билан таъминлаш деганидир.

# Тадбиркорлик: ташаббус қўллаб-қувватланади

## Шухрат ШАРАФУДДИНОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Ушбу жараёнда тадбиркорлик субъектларининг иштироки муҳим ўрин тутди. Амалиётда кўринадиган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва инвестицияларни жалб этиш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида муаммо ва тўсиқлар ҳанузгача мавжуд.


Президентимизнинг "Худудларни тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айнан шундай муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

Хужжатда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, бўш турган объектлар, ер участкалари ва бошқа инфратузилмалардан самарали ва

ғовларни бартараф этади, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қарорлар, жавобгарлигини ҳам қучайтириш механизмлари белгилаб қўйилди. Яъни, ҳар чорак якуни бўйича ишларнинг натижадорлигига қараб:

— Комиссия қарори билан Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар аъзоларига энг кам иш ҳақининг 30 бараваригача миқдорда, уларнинг раҳбарларига эса энг кам иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда бир марталик мукофот тўланади;

— Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар аъзоларига, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига



оқилона фойдаланиш мақсадида бир қатор вази-фалар белгилаб берилди. Хусусан, худудларда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси ҳамда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ҳудудий гуруҳлар таркибига кирган шахслар асосий иш жойи бўйича мажбуриятларини бажаришдан овоз қилинади ҳамда доимий равишда уларга бириктирилган ҳудудда фаолият юритади.

Комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг сўровлари, кўрсатмалари барча давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан сўзсиз ижро этилиши мажбурий.

Сир эмас ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини юритишда энг катта муаммолардан бири ер майдонларини ва бўш турган объектларни ажратиш билан боғлиқ.

Энди Комиссия 10 кунда камида бир марта жойлардаги ҳал қилинмаган муаммолар масалаларни, жумладан, ер майдонларини ва бўш турган объектларни ажратиш билан боғлиқ муаммоларни кўриб чиқади ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга тўсиқлик қилаётган бюрократик тўсиқ ва

нисбатан 30 фоиздан 50 фоизгача миқдорда лавозим маошидан ушлаб қолмиш ёки эгаллаб турган лавозимидан овоз қилиш шаклида жавобгарлик чоралари қўланади.

Эътиборли жиҳати, тадбиркорлик субъектларига ушбу қарор билан масъулият юклатилмоқда. Яъни, аукцион савдоларига чиқариладиган давлат мулк объектлари тадбиркорларнинг аниқ мажбуриятларини белгилаган ҳолда савдога қўйилади.

Бу мажбуриятлар нисбатан иборатлигини айтишда муҳим бўлади. Яъни, аукцион савдоларига чиқариладиган давлат мулк объектлари ёки ер участкалари аукцион соҳибига бир йилгача мuddатда олдиндан захирага олиш шартларида (лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб, мuddатини узайтириш имконияти билан) кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар бажарилганидан сўнг эгали ва фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштирган ҳолда бериллади.

Инвестор томонидан инвестиция шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, захирага олиш инвесторнинг ҳаққонлиги билан боғлиқ муаммоларни қўриб чиқади ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга тўсиқлик қилаётган бюрократик тўсиқ ва

# Ўз касбини севган ишлаб чарчамайди

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Малика АБДУЛЛАЕВА билан суҳбат

## Гўзал МАЛИКОВА

"Hurriyat" мухбири

"УНИ ЎРГАТ, БУНИ ЎРГАТ"

— Малика опа, аввало келаятган касб айёмингиз муборак бўлсин!

— Раҳмат. Бу улуг кун фақат ўқитувчи ва мураббийларнинг байрами эмас. Жамиятимиздаги барча соҳаларда устоз-шогирд аъёналари доим устувор. Ишга энди кирган ходимга ҳам кимдир иш ўргатади, устозлик қилади. Шу боис ушбу байрам бутун халқимизники. Умуман халқ байрами.

— Муаллималик — қийин иш. Тўғрими?

— Тўғри. Лекин ишининг, касбнинг осони борми? 1989 йилда мактабда иш бошлаган бўлсам, қариб ўттиз йилдирки, кундузи синфда сабоқ бериб, оқшомлари уйда ўзим дарс тайёрлайман.

Дунёда рўй бераётган воқеалардан воқиф бўлиш мақсадида газета-журналларни варақлайман, теле-визор кўраман, онлайн нашрларни қузатаман, токи эртага ўқувчиларим олдида уялиб қолмай, уларнинг саволини жавобсиз қолдирмай.

Кимки ўз касбини севса, ишлаб чарчамайди.

Биринчи Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан 2013-2014 ўқув йилидан барча чет тиллари, хусусан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзида ва оғзаки нутқ дари с шаклида, иккинчи синфдан эса, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш йўли билан босқичма-босқич бошланди. Тегишли давлат таълим стандартларига кўра, энг сўнгги педагогик технологиялар, мультимедиа ҳамда бошланғич синфлар учун мўлжалланган "Kids English" китоблари асосида машғулотлар олиб бориш йўлга қўйилди. Хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ, ўша йиллари мультимедиа воситалари орқали дарс ўтиш учун мактабимиздаги инфо-матика фани ўқитувчиси:

"Уни ўргат, бунини ўргат", деб ҳоли-жонига қўймасдик. Ҳозир ҳам бу ширин ташвишдан роҳатланаман. Масалан, юқори синф ўқувчиларини ҳам қизиқтириш, ҳам инглиз тилида му-



Шолавиз ШОХИДОВЕВ фотоси

лоқот қилишлари учун қўшиқларни ёзиб, матндаги феълларни тушириб қолдираман. Улар шу сўзларни ўрнига қўйиш орқали ҳам қўшиқ айтишади, ҳам сўзларни раван талаффуз қилишни ўрганишади. Дарсда ўқувчиларга жўр бўлиб қўшиқ айтаман, рақсга тушаман. Айниқса, бошланғич синфларда дарсни бундай ўйинларсиз қизиқарли ўтиш мумкин.

## АММАМГА ҲАВАСИМ КЕЛАРДИ

— Ўқитувчиларни беҳуда танламаган экансизда?

— Аммам инглиз тили ўқитувчиси эдилар. Ажнабий тилда гапиришларига, таржима қилишларига жуда-жуда ҳавасим келарди. Шу боис касб танлаш масаласида кўп иккиланганим йўқ. Инглиз тили филологияси факультетида ўқидим.

— Малика опа, ҳеч ўзингизга баҳо бериб кўрганмисиз: сиз қандай ўқитувчисиз?

— Назаримда, қаттиққўл ва талабчан ўқитувчи бўлсам керак. Чунки баъзида "боламни эркин қўйинг, ҳадеб талаб қилаверманг, керак бўлса ўқиб олади", дегуви ота-оналар ҳам учраб туради. Бироқ бир одатим бор — дарснимга кирган бола нимадир ўрганмаса, кўнглим жойига тушмайди. Маошимни ҳаллолаб олишни истайман. Кун келиб, берган сабоқларим шогирдларимга асқотса, шунинг ўзи мен учун энг олий мукофот!

Фикримча, ҳар бир ўқитувчидан талаб қилинадигани, аввало, — меҳр, билим ва ҳалоллик. Машғулотларни қизиқарли ўтиш. Муаллиманинг болаларга, касбига меҳри баланд бўлса, орасизини ушлагани

шу; ўқувчилар унга эргашади, ҳатто сажда қилади. Бунга эришиш — айтишга осон. Қанча сабот, сабр-тоқат ва ҳафсала керак. Кези келганида, ўз фарзандингизнинг инжиқлиги ёқмайди-ку. Айтайлик, синфда 25 ўқувчи ўтирган бўлса, демек, шунча хил феъл-атвор бор. Ҳар бирининг кўнглига йўл топиш — бурчинг, вазифанг. Ўқувчиларим олдида нафақат ўз касбининг устаси, балки ҳалол, покиза ва бағрикенг Инсон сифатида намоён бўлишни Худодан сўраб юраман.

## "ҲАЗИЛЛАШМАНГ!"

— Ўтган йили "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланибсиз. Давлатимизнинг бундай юксак мукофотига сазовор бўлишни кутганмидингиз?

— Кўпчилик бундай саволга "кутмаган эдим", деб жавоб қайтаради. Ваҳоланки, мен, ҳақиқатан ҳам, кутмаган эдим. Чунки мактабимизда иқтидорли ўқитувчилар кўп. Нега айнан мен тақдирланганим ҳақида узоқ ўйладим. Ордени олмагунимча ишонмадим ҳам.

Президентимизнинг фармони чиққан кун мактабимизда тадбир ўтказётган эдик. Директоримиз келиб сирли гап қилди: "Нималар қилиб юрибсиз?" Нима қилдим экан, деб ҳайрон бўлдим. Ваҳимага ҳам тушдим. Директор ажабланганимни сезиб, "сир"ни очди: "Орден олибсиз-ку! Меҳнат шухрати..." "Вой, ҳазиллашманг!"

— Малика опа, синф раҳбари экансиз. Тағин ўсмир ёшдаги ўқувчиларга. Тил топишиш қийиндир?

— Осон эмас. Синфимдаги ўқувчилар ҳозир айни ўшида. Таби-

ийки, руҳияти — тез ўзгарувчан. Оилавий муҳити, шароити ҳар хил. Шунинг учун дардини, қийнаётган муаммоларини билишга ҳаракат қиламан.

Ота-онаси ажралишгача бориб қолган ўқувчилар ҳам йўқ эмас. Уларнинг кўзи доим мунгли. Юрагим эзилди. Синфдошлари ота-онаси ҳақида фахрлини гапирганида улар ерга қарашади. Кўнгли кемтик болаларни тушкун кайфиятдан олиб чиқишга ҳаракат қиламан.

## НЕГА СЕЗИЛМАСИН!

— Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг самаралари сиз ишлаётган мактабда ҳам сезилмайдими?

— Нега сезилмасин! Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги икки йилда халқ таълими тизимида улкан ўзгаришларга юз тутилганини айтиш жоиз. Ўқитувчиларнинг кадрни, маоши ошди. Бунда Президентимизнинг шу йил 14 августдаги "Ешларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлаётди. Бизни қийнаб келаятган орқинча қроғозбозлик, текшир-текширлардан ҳалос бўлаётганимиз. Мажбурий меҳнат, мажбурий обуна, мажбурий "йиғ-йиғлар" кўпчилик ҳамкасбларимизни ҳам жисмонан, ҳам руҳан чарчатган эди.

## МУАЛЛИМАНИНГ ЎТИНЧИ

— Иш жараёнида сизни қийнаётган муаммолар борми?

— Мени доим ташвишга соладиган муаммо — айрим ота-оналарнинг масъулиятсизлиги, фарзандининг таълим-тарбиясига лоқайдлиги.

Яқинда синфимизда ота-оналар мажлиси қарориди. Ўқувчиларнинг ярмидан кўпининг ота-онаси келмади. Биз бу ёқда таълим берамиз, қўлимиздан келган ёрдаму панд-насихатимизни аямаймиз. Лекин мактаб ва оила, ўқитувчи ва ота-она ҳамкорлиги йўлга қўйилмас экан, таълим тизими барибир оқсайверади. Шунинг учун ота-оналардан ўтиниб сўраган бўлардимки, турмуш ташвишларингиздан озгина вақт чегириб, фарзандингизнинг ўқиши, тарбияси билан қизиқинг. Зеро, фарзандимизга бугун берганимизни эртага олгувчиларимиз!

# Олий суд: Замонавий технологиялар ва янги интерактив хизматлар

## Холида ФАЙЗИЕВА

"Hurriyat" мухбири

Бугунги фуқаролар йигирма-ўттиз йилги одамлардан фарқ қилади. Эндиликда ўз ҳақ-хуқуқини, зарур пайтда кимга, қандай мурожаат қилишни биладиган янги давр кишилари етишти келмоқда. Қолаверса, суд-хуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳам аҳолининг хуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилаётди.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида соҳани янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Унда, жумладан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, — суднинг нуфузини ошириш, тизимни демократлаштириш ва такомиллаштириш билан бирга, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида ана шу вазифа ва мақсадларни бirlаштирган тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий суднинг янги расмий веб-сайти тақдироти ўтказилди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон давлатларининг олчила-

ри, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон давлатларининг элчихоналари вакиллари, вазирлик, идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари анжуманда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. Комилов ва бошқалар таъкидлаганидек, ўтган икки йил давомида давлатимиз суд тизимида том маънода тарихий ўзгаришлар юз берди. Фуқароларнинг хуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш орқали уларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга эришилди.

Дарҳақиқат, судлар давлат ҳокимиятининг муҳим бўғини сифатида жамият манфаатларига хизмат қилиши, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаши, асосийси, фаолияти очик ва шаффоф бўлиши керак. Президентимизнинг айни шу мақсадга

қаратилган 2017 йил 30 августдаги қарори билан тасдиқланган 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича дастурнинг амалий ижроси изчил таъминланмоқда.

Олий суд веб-сайти ва ундаги фуқаролар ҳамда юридик шахслар учун интерактив хизматлар, кенг имкониятлар ҳақида сўз юритилди.

— Сайт ва ундаги интерактив хизматлар замонавий технологияларнинг ютуқ ва имкониятларидан кенг фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилди, — дейди Олий суд матбуот хизмати раҳбари Мансур Эргашев. — Фойдаланувчилар ушбу сайт орқали тўрт — жинсий, маъмурий, иқтисодий ва фуқаролик ишлари бўйича йўналишда фаолият кўрсатаётган судлар ҳақида маълумотларни осон топишлари мумкин. Контентлар ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилгани эса уларга қулайлик яратди. Бундан ташқари, сайтимиздан суд тизими ҳақида, ҳал этиладиган низолар, судлар фаолиятига доир статистика, мурожаат қилиш тартиблари тўғрисида батафсил маълумот олиш мумкин.

Анжуманда фуқаролик ишлари бўйича ҳамда икти-

содий судлар фаолиятига жорий этилган янги интерактив хизматлар тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Айни пайтда Олий суд, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" кўшма лойиҳаси доирасида фуқаролик ишлари бўйича барча судларда кенг жорий этилган E-SUD миллий электрон судлов ахборот тизими фуқароларга қулайлик яратмоқда. Тизим очиклик ва шаффофликни таъминлашга хизмат қилаётди. Ушбу йўналишдаги суд мажлисларининг ҳаққонлиги, суд мажлиси кунли ва вақти ҳақида электрон хабардор бўлиш, барча суд қарорлари билан танишиш имконияти яратилди. Веб-сайтда даъво аризалари, илтимоснома, шикоятларнинг ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида жами 500 га яқин намуналари жойлаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 июлдаги "Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида асосан эндиликда барча суд қарорлари Олий суд веб-сайтида тизимли равишда эълон қилиб борилади. Бундан ташқари, судлар

фаолиятига татбиқ этилган марказлаштирилган электрон маълумотлар базаси яратилган. Ижро варақалари электрон тарзда жўнатилади. Суд ишлари судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимланади.

Яна бир муҳим янгилик — давлатимиз раҳбари ғояси ва ташаббуси билан доимий ишловчи суд мажлисларининг онлайн трансляцияси жорий этилишига бағишланган тақдирот ҳам ўтказилди. Суд мажлисларини тўғридан-тўғри кузатиш тизими ҳақиқий очиклик ва шаффофликни таъминлаш билан бирга фуқароларнинг хуқуқий онгини ошириш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва хуқуқбузарликлар профилактикасига хизмат қилади. Уяли алоқа воситалари орқали ҳам ушбу тизимдан фойдаланиш имкони борлиги фуқаролар учун яна бир қулайликдир. Айни пайтда ушбу тизим синов тарихида Хоразм, Сурхондарё ва Наманган вилоятларидаги 12 судда ишга туширилган. Жорий йилнинг охирига қадар яна 22 судни, 2019 йилда эса юздан ортқ судни онлайн трансляция тизимига ўтказиш режалаштирилган.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.



Асл важини аризада кўрсата олмаслигини ҳам. Қўли пул кўриб, сал шошиб қолган тadbиркорнинг кўнгли "ёшроғига" суст кетган!

Судья қўлини кўтариб, фуқарога ўзингизни босинг ишорасини қилди ва секин насихат йўлига ўтди. Нима қилсин, касби шунақа. Қисқа, лўнда, аммо кесиб гапирди.

— Ахратиб юборишим мумкин, — деди у ўта босиқлик билан. — Лекин сиз жаҳл отингиздан бирров тушиб, ақл йўлини тутинг. Уйлаб кўринг, тасаввур қилинг: ахримдан сўнг бошингиз гурбатдан чиқмайди. Юрагингизни чангаллаб ўтиб кетасиз. Фарзандларингиз, невараларингиз юз йил қирпиқоч бўлишад...

— Нега?!

— Нега бўларди. Ахримдан сўнг, ўғил-қизларингиз, келинларингиз, куёвларингиз ўртасида мулкни, меросни бўлиш деган гаплар кўтарилади. Суд мол-мулкнингизни тенг иккига бўлиб бериши керак. Ховлижой, машина-ю тақинчоқдан мебелгача... Фарзандларингиз бунга қандай қараркин? Уларга сиз ота-она, бобо-буви сифатида судлашишни ўргатайсизлар. Мени айтиб дерсиз, улар ҳам эрта индин бу ерга келишади: "Дадамга тегишли мулк — меники, ойимга тегишлиси — уники" деб...

### БУРГАНИНГ ТЕПКИСИ

Суд иши тугагач, судья, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари Байрамали Норов билан суҳбатлашдим.

— Илгари битта оила бузилса, бутун маҳалла, жамоатчилик ўртасида катта гап-сўз бўларди. Бир умр таънадан боши чиқмасди: "Болаларнинг уволига қолмай, ўл, бу кунингдан!" Фаровонлик ошгани сайин ажралишлар кўпайиб борапти. 2018 йилнинг биринчи ярмида 3019 оила шу мақсадда ариза берган. Жуда ачинарли. Бор-э, билганингни қил, деб жуфтларни ажратиб юборсангиз, гуноҳга ботасиз. Бу минглаб бола — етим, аёл — есир, эркак сўқ-қабоб бўлиб, кеча апок-чапок юрган қуда-андалар юз кўришмас ганимга айланади, дегани. Шунча одамнинг рўзғори, касб-кори, илму амалидан барака кўтарилади, дегани.


Яна бир рақам: ариза берганларнинг қарийб олти юзининг қирар ақли кириб, чиқадигани аллақачон чиқиб бўлган: 35 ёшдан ошган. Мени инсон сифатида, аввало, ана шу муаммо жуда ташвишга солади. Келтирилган рақамларни энди бутун республикамиз миқёсига кўпайтиринг. Дахшатга тушасиз!

Кўпайтириб кўриб, судья айтганидек, кўзларимга ишонмай қолдим. "Оила" илмий-амалий тадқиқот марказининг маълумотларига қараганда, 2012-2016 йилларда ажралишлар сони 56 фоиз кўпайган. Сирдарё вилоятида эса бу рақам 83 фоизни ташкил этган.

Мўмин-мусулмон, оилани муқаддас билгучи, бағрикенг одамларимизга нима бўлди, ўзи? Қандай бурга тепди?

### КАЙДАСАН, ДОКА РЎМОЛ?

— Баъзан олти ойлик мuddат берилиши ҳам масалани ижобий томонга ўзгартириб юборади, — дейди Б. Норов. — Дастлаб, биз, судьялардан ҳар икки томон ҳам норози бўлса-да, муайян вақт ўтгач, жунбушга келиб турган жаҳлларидан тушиб, ярашиб кетишади. Хуллас,



Сарвар МАМБЕТОВ фотоси

# “Тур, хотин, уйга кетдик!”

ўтган олти ойда тушган аризалардан 1593 донаси қаноатлангирлиди. Бу ҳам аслида жуда катта рақам.

Аризаларни ўқисангиз, уларнинг тенг ярмида оилавий келишмовчиликлар ваҳ қилиб кўрсатилганидан хайратга тушасиз. Эр-хотин — жуфти ҳалол — бир-бирига ён босишдан, муросаи мадрорага боришдан кўра, судга қараб чопишни афзал кўради. Аслида, қайси оилада муаммо йўқ? Эркакми, аёлми, қайси одам фаришта? Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши, деган гаплар қайда қолди? Ҳаммамиз Худонинг ожиз бандларимиз. Узимизга яраша қусуримиз бор. Беайб — Парвардигор.

Судьянинг айтишича, илгари ажралишга асосан фарзандсизлик, бетоблик каби тузатиш мушкул муаммолар ваҳ бўлган эса, энди тирноққа зорлар 10 фоиздан ошмайди. Демак, гап бошқа ёқда.

### МУЛЛАНИНГ ОЛДИГА ШОШИЛМАНГ

Судьянинг фикрича, ажралишга сабаб бўладиган ҳар қандай оилавий низо тарбияга бориб тақалади. Гап фақат келиннинг катталарни "етарлича" ҳурмат қилмаслигида эмас. Қайнонанинг келинга зулми, куёвнинг оила масъулиятини ҳис қилмаслиги — барча-барчаси тарбия билан боғлиқ. Ўз навбатида, баъзан ёшлар турмушининг аччиқ-чучук муаммоларига тайёрланмасдан мулланинг олдига чопгани қизиқ: "Бизни никоҳлаб қўйинг!" Ажралишга аҳд қилган оилаларнинг етмиш биттасида спиртли ичимликлар истеъмоли ва гиёҳвандлик сабаб сифатида келтирилган. Аслида, бу ҳам тарбияга боғлиқ. Аммо жуфтлик оила қуришдан олдин тиббий кўриқдан ўтади-ку. Уша банглик кўриқдан ўтаётганида аниқланмагани ачинарли.

Ниҳоят, оилавий келишмовчиликларнинг катта қисми замонавий ах-

борот технологиялари — телефонлар, ижтимоий тармоқларга бориб тақалмоқда. Эр тасодифан хотинининг суратини ижтимоий тармоқда кўриб қолиб, рашк ўтида ёнади ва ажралиш учун судга ариза кўтариб келади. Интернет, замонавий технологиялардан фойдаланишнинг меъёри, этикаси долзарблашмоқда.

### СЕН МЕНИ ЁМОН ДЕДИНГ

Хўп, оилани яраштиришнинг иложи бўлмади ҳам дейлик. Энди уларнинг тақдирини қандай кечади? Айниқса, ёлғиз аёл жамиятга мослаша оладими? Тузуқроқ маълумоти, касб-ҳунари бўлса-ку, бир кунини кўриб кетар. Аксинча бўлса-чи? Ажралиб, келинлик уйдан ҳайдалган, "қиз бола — бировнинг хасми" деб на дурустрок ўқитган, на касб-ҳунар ўргатган ота-онанинг уйига сигади-ми? Ота-онаси ўтиб кетган бўлса-чи? Ажрашган аёл фарзандлари билан қайда боради? Қандай кун кўради? Собиқ эрининг фақат расмий даромадидан умид қиладигани — икки-уч сўм алимент билан тўқис яшаш мумкинми? Мардикорликка чиқадими? Фаҳш йўлига кирадими? Қарангхи, ажралиш учун ариза берганларнинг 1164 нафари аёллар бўлса, 1865 даввогар — эркаклар. Кўз очиб кўрганидан айрилган "ахши"сини топа оладими? Умуман, фарзандини тирик етимликка гирифтор қилган ота-она тинч-хотиржам, ҳузур-халоватда яшай оладими?

### БАЛО-ҚАЗО

Кўпчилик оилалардаги ажралишларни моддий қийинчиликка тақашни ҳуш кўради. Аммо статистика бунга рад этади. Ажралишга аҳд қилган оиланинг фақат 5 фоиздан зиёдроғи ана шу муаммони асос қилиб кўрсатган. Асосий ажримлар,

тўқчилик, хиёнат, камситиш, судья айтганидек, тарбиясизликка бориб тақалади.

Келинг, хулоса чиқаришга шошилмайлик-да, яна бир рақамга эътибор берайлик. "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар натижаларига қараганда, 2016 йили оилавий ажралишга 96,7 фоиз киши ўзининг салбий муносабатини билдирган бўлса, 2018 йили бу рақам 70 фоизгача пасайган. Бошқача айтганда, икки йил ичида қарийб 30 фоиз фуқаро ўз жуфтидан ажралишни одатий ҳол деб тушуниш даражасигача "етган!" "Ушиш" шу ҳолда давом этса, яна икки йилдан кейин оилаларимизнинг аҳоли не кечади? Ўн, йигирма йилдан кейин-чи? Оилавий ажралишлар 85-90 фоизга етган Фарб давлатларидан ҳам ўтиб кетмайми?

Дарвоқе, масаланинг асл сабаби ҳам шунда — Фарба кўр-қуруна тақлидда. Биз севиб томоша қилишга маҳкум этилган фарбона сериалларда. Уз номи билан атайдиган бўлсақ, "Умумий маданият" деб аталмиш бало-қазода!..

### СУЯК СУРАДИ

Судга қайтайлик. Судьянинг панду насихатини эшитиб, У.Санаевнинг шашти пасайди. Манглайини силади.

Б.Норов гапини давом эттирди: — Сиз бугун арзимаган гап-сўз, келишмовчилик дастидан ажралишни даъво қиласиз. Уч-тўрт кун ўтгач, куёвингиз қизингиз билан ажралишни истайд. Уғилларингиз келинларингиз билан... Ёмон одат суюк суради...

Фуқаро ўрнидан кўзгалди: "Тур, хотин, уйга кетдик!.." Залда энгил кулгу кўтарилди. Судья энгил тин олди.

Яна бир оила сақлаб қолинди.

Самарқанд вилояти.

## Чин фарзанднинг суврати

Онасини соғиниб, отасини йиғлатган йигит

### ► Инсон манзаралари

"Ўғлимиз Россияда ишлади, — деб навбатдаги ҳикоясини бошлади Ўнғбой ака Абдиев. Биз у билан баъзан бир пиёла чой устида гапхона қилиб ўтирамиз. Ака гурунғбоз. Бироқ ёлғондан йироқ юради. Касби... Нима аҳамияти бор. Муҳими — лафзида. — Ҳамма қатори интернетда дийдорлашиб турамиз. Ҳавасманд ўсмирга ўхшаб, интернетнинг бу ёғидан кириб, нариги ёғидан чиқамиз. "Биз" деганимда, янгангизни — бойбичамизни назарда тутмоқдаман.

### Турдимурод МУСТАФОЕВ журналист

Хуллас, мусофирликда юрган ўғлимиз баҳона, шу матоҳдан калла кўтара олмайдиган бўлиб қолдик. Лекин ҳозир гап бизнинг интернетпарастлигимизда эмас.

Ўтган кун зурриёдимизнинг профилини титқилаб ўтириб, бир нарсага кўзим тушиб қолди. Ўғлимиз вилоятимиз марказидаги минора соат суратининг тепасига катта-катта, кўм-кўк харфларда "Термизсити" деб ёзиб қўйибди. Тағига эса... Ишонмай-сиз, "Сени соғиндим, онажон!" деган мустар ишорни илова этган эди. Бўғзимга бир нарса қадалди. Кўзларим жикқа ёшга тўлди.

Онаси кўриб қолмасин деган андиша билан профили дарҳол ёлдим. Қизиқ, боламиз икки-уч йилдан бери ўза юртларга сочилган ризқини териб юрибди. Лекин бир марта на менга ва на онасига бунақа — соғиндим деб ёнғишган эмас. Биз телефонда алағдалик зоҳир қилсақ ҳам, бепарво кулгучи ва кўнглимиздаги туманни тарқатиб юборгучи эди. Сезишимча, соғинч ҳақидаги изҳор онасига аталмаган. Майли-да. Юртни соғиниш — фазилат. Юрагиди бундай туйғунинг бўлмаслигидан худо асрасин, дедим, яна баданимга ваража оралади. "Ниҳоят, — деб пирилладим ўзимга ўзим. — Менинг кўп йиллик меҳрим мевасини берибди. Ўзим ундирган ниҳоллар бежавотир богда буй қўзиб, буюк офтоб томонга юз буриб, унга эгилиб эҳтиром кўрсатмоқда!"

Бошқача бўлиши мумкин эмасди, назаримда. Мен Ўзбекистон заминига оёқ қўйган куним бундан камини умид қилмаганман. Хаёлан 26 йил ортага қайтдим. Мазъосландим. Авжи баҳор эди. Уруш оловиди ёнаётган Тожикистондан ота юртимизга қараб қўзгалган қочқинлар қаторида мен ҳам бир КаМАЗга кўч-қурунмни ортим. Кексаларни кабинага ўзгазиб, бола-чакам билан кузовга чиқдим. Ўзимизни кўрпа-тўшакнинг орасига урдик. Баҳор бўлса ҳам, ҳавонинг захри мўл эди. Излаб-излаб топганим — ҳайдовчига тайинладим: "Ҳар 50-60 километрда тўхтаб, биз билан хабарлашиб қўйинг, укажон. Тарашадек қотиб қолмайлик, тагин!"

Йўлга тушдик. Кўрпаларнинг остида Яратганга ёлвориб кетялмиш. Шу кетишда дунёнинг нариги чеккасигача бўлса ҳам кетаверадиган чўтимиз бор. Уруш оловидан қутулсақ бўлгани. Бир пайт КаМАЗимиз тўхтади. Оббо, деб ўйладим, ҳайдайверса бўларди-ку. Устимдаги гиламу кўрпалар орасидан инидан ўрмалаган айикдай суғурилик чиқдим. Пастдагиларга кўриниш бердим. Кўзим тушган манзара ёқимсиз туюлди. "Гулбахор" постиди икки автоинспектор ҳайдовчимиз

билан ниманидир ҳал қилмоқда эди. Ҳайдовчининг рангидан қони қочган. Бесовта. Мен энди ўзимни пананага тортмоқчи эдим, инспекторларнинг бири кўриб қолди. Кўзларимиз тўқнашди.

Нима ҳам қилардим... Ялтоқлашиш аралаш, эгилиб салом ишорасини қилдим. Кейин индамай инига кириб кетаётган жониворга ўхшаб, юқлар орасига бошимни тикдим. Шу аснода кулоғимга икки кишининг янғроқ кулгуси чалинди. Нима бўлса бўлар, барибир кузовда одам борлигини кўрди-ку, дедим-да, кўк-рагимни гоз кўтариб, кулганлар томонга қарадим. Қарадим-у кўнглим ёришиб кетди. Ҳар иккала автоинспекторнинг кўзлари тўла самимийлик, менинг дўлворона соддалигим уларнинг кулгусини кўзагани эди: — О, яша укағарнинг ўзбегли! — деди чапанироғи. — Оқ йўл, босинг газини!

Ўқизворишди. Шунда кўнглимга бир гап келди, огайнилар! Азалдан иримчи эдим, ота юрт бўсағасида посбонлик қилаётганлар қандай кутиб олишаркин деган оғир хавотирим бор эди. Не бахтки, табаррук остонадан ҳазил-мутойиба билан халтадим. Биринчи учратган миллатдошларимиз, ватандошларимиз очик чеҳра билан кутиб олди. Энди мен болаболарим абадий панох топан бу юртда униб-ўсаман. Тупроғини сўнги нафасимгача кўларимга тўтиб қиламан!

Шу бўйи томир олдим, ёру журалар, қуда-андалар орттирдим. Шу тупроқда ризқу насибам унди. Кўзим уйқудан адашган кечаларда туғилган жойларим ёдимга тушади. Шукрки, энди у ёқларда ҳам тинчилик. Ободлик ва фаровонлик даври. Эсласак, бойбичамиз айтади: "Нон-наъмак — улугъ неъмат. Болаларимизни элга қўшдик. Чин дунёга кетар бўлсақ, хотиржамимиз. Боболаримиз ётган тупроққа қўшилишимиз!"

Гапи тўғри. Майли, булар ўз йўлига. Топган давлатим, қурган иморатим, кўрган меҳру оқибатим учун икки дунё қарздорман шу тупроқ — Ўзбекистонимдан. Лекин ҳаммасидан зўри, таъсирбахши — мусофирликда юрган зурриёдим бугун онасидан ҳам кўра ўз юртини соғиниб, уни Онажон деб сўймоқда. Сурхон тимсолига айланган минора соат атрофини беэзаб, ўзича эҳтиром кўрсатмоқда. Бобом шу заминда яшаб, унинг хокига қўшилди. Отам шу юрт ҳавосидан нафас олиб, улғайди. Бугун менинг фарзандларим олисларда туриб шу Ватанимнинг хуморидан мустар бўлиб юрибди. Демак, мен ўзимни Сурхондарё, Ўзбекистон ўғлиман деб ифтихор билан айта оламан. Унинг иярчан эмас, чин фарзанди, садоқатли ўғли, ҳамдамиман!..

Сурхондарё вилояти.

## Инсоннинг қадри қандай ошади?



Мана шундай эзгу ишларнинг ташаббускоридан бўлган Президентимиздан қанча миннатдор бўлсак оз. Биласизми, фақат маҳалламиз эмас, одамларнинг кўнгли ҳам обод бўлди. Яшашга, ишлашга иштиёқи кучайди. Қизларимиз, келинларимиз эрта тонгда уй атрафларини супуриб-сидириб, сув селиб қўйишяпти. Озодаликни кўриб, кўнглингиз яйрайди. 16 фуқарони иш билан таъминладик. 18 одамга тadbиркорлик фаолиятини бошлаши учун кўмаклашдик. 10 нафар аёл касаначилик билан шуғулланяпти. Янги савдо, овқатланиш шохобчалари,

гўзаллик салонлари, "Баҳор" супермаркети фаолияти йўлга қўйилди.

— Айниқса богчани айтмайқисми, капитал реконструкция қилинди, — дейди маҳалла фаоли Тўлғоной Абдиева. — Яратилган шароитларни кўриб қувонмасдан иложингиз йўқ. 280 нафар болани бағрига олган росмана замонавий богчага айланди.

Дарҳақиқат, "Обод юрт" маҳалласи ўзгарди. Уз номига муносиб бўлди. Маҳаллани айланиб ким билан суҳбатлашмайлик фақат хўрсандчилик, миннатдорчилик сўзларини эшитдик.

— Мен маҳалламиз раиси Дилфуза опа Юнусовдан беҳад миннатдорман, — дейди Дилфуза Қарши-

боева. — Қишлоқ қурилиш банкдан 18 миллион сўм кредит олиб, чеварчилик цехини ташкил қилишимда астойдил ёрдам берди.

— Мен 1989 йил туғилганман, — дейди Бахтиёр Шодиев. — Кредит олиб, роитларни кўриб қувонмасдан иложингиз йўқ. 280 нафар болани бағрига олган росмана замонавий богчага айланди.

Фарғонадан кўчиб келган Шавкатжон Хасановнинг айтишича, бир йил олдин ҳозир яшаётган уйини 10 миллион сўмга сотиб олган экан. Фарзандлари маҳалладаги шароитга кўника олмай, "Фарғонага қайтайлик" деб хархаша қилавергач, уйини сотувга қўйибди. Бу орада маҳалла обод бўлиб,



шарт-шароитлар яхшилангач, болалари ҳам кетмаймизга тушиб қолибди. Яқинда бир харидор келиб уйини уч баробар қимматига сўраган эмиш. Бермабди. Болалари ҳам сот-

маймиз деб туриб олибди. — Қаранг, маҳалла обод, шарт-шароит яхши бўлса, уйнинг қадри, нархи ошар экан, — дейди у. Ҳа, фақат уйнинг эмас, инсоннинг ҳам қадри ошади.



# Матбуот — очик, ишончли минбар

**ФАРФОНА**да "Ахборот майдонида босма нашрлар, электрон ОАВ ва ижтимоий тармоқлар мутаносиблиги" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда юртимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида фаолият юритаётган босма ва электрон ОАВ вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.Кучимов, Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари И.Носиров, "Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ж.Тўхташев, "Ишонч" газетаси бош муҳаррири Х.Эрматов ва бошқалар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни демократик ва либерал ислохотларнинг ҳаракатланувчи кучига айлантириш борасида катта ишлар амалга оширишнинг асосий таъкидлари бўлиб келди.

Оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам тез суръатларда ўзгариб, ривожланиб бораётган жамиятимиз талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, безовта қилаётган муаммоларга жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш буйича ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда. Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишда оммавий ахборот воситалари ҳам фаол қатнашаётди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда, айниқса, интернет журналистикаси жадал ривожланиб, ижтимоий тармоқлар ва электрон ОАВнинг ахборот маконидаги ўрни ва роли кенгайиб бормоқда. Босма нашрларда ҳам ошқоралик, таҳлил ва ҳолис танқид руҳи кучайгани "тўртинчи ҳокимият"нинг ўрни мустақимлашиб бораётганидан далолат беради.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон нафақат иқтисодиётда, балки жамиятимизнинг барча жабҳаларида эркинлик, ошқоралик, фикрлар хилма-хиллиги, плюрализм томон кун сайин дадил бормоқда. — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммадjon Обидов. — Юртимиз матбуотида ҳам жамиятга ҳамоҳанглик кузатишмоқда. Таҳлил, танқид, тақлиф бош йўналиши бўлган мақолалар, кўрсатувлар босма ва электрон ОАВда кун сайин кўпаймоқда. Лекин интернетнинг шиддатли ривожини, ижтимоий тармоқлар мавқеи, босма нашрлар ички сиёсатида рўй берган ўзгаришлар биз, журналистларнинг ҳали бир-биримиздан ўрганадиган, маслаҳатлашадиган масалалар оз эмаслигини кўрсатмоқда.

Конференция ишида миллий журналистиканимиз олдида турган долзарб вазифалар, ахборот майдонида ОАВ ва ижтимоий тармоқларнинг ўрни хусусида сўз юритилди. Шунингдек, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини янада тўла қондириши ва бу борада учраётган муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

— Бугунги шиддатли

даврдан дунёда ахборот учун кураш кучайиб кетди, — дейди "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов. — Ҳар бир ахборот воситаси ўз аудиторияси учун курашмоқда. Ахборот технологиялари тараққий этган Японияда, Жанубий Кореяда адади жуда катта бўлган нашрлар бор. Бизнинг нашрларимиз ҳам замон талабларига мослашиши зарур. Мавзу танлашга янгича ёндашувимиз, ёзиш услубимизни ўзгаришимиз керак. Айниқса, босма нашрларда чуқур таҳлилга асосланган мақолалар салмоқини кўпайтириш кун тартибидagi муҳим масала. Бунга эса чуқур билим ва тинимсиз изланиш орқали эришилади.

Конференция иштирокчилари Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номидаги ижодкорлар боғида бўлишди. Қаҳрамон шоир ҳайкали пойга гулдасталар қўйишди. Шоирнинг меъморил музейида Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи муҳим манбалар билан танишишди. Қувасой шаҳридаги "Водий тулпорлари" наслчилик мажмуасида амалга оширилган ишлар ҳам тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

**НАМАНГАН** вилоятида 44 номда газета ва олтита журнал чоп этилмоқда. Ҳўш, уларнинг иқтисодий аҳволи қандай? Газета-журналлар адади ва ўқишлигини ошириш учун нима қилиш керак?

Наманганда ҳудудий босма нашрларнинг ҳолатини яхшилаш масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар-тренингда шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган босма нашрлар муҳаррирлари ва мутахассислар иштирок этди.

— Аччиқ ҳақиқат шуки, вилоятдаги босма нашрларнинг иқтисодий аҳволи, чоп этилиш адади қонирқарли эмас, — дейди вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бўлим бошлиғи Р.Ирисов. — Масалан, энг кўп ададда чоп этилаётган газета вилоят халқ таълими бошқармаси муассислигидаги "Болалар дунёси" 20 минг, маҳаллий ҳокимликлардан Поп тумани ҳокимлигининг "Поп тонги" газетаси 6 минг нусхада чоп этилмоқда. Айни пайтда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг нашри 700, Наманган тумани ҳокимлигининг нашри "Истиқлол" газетаси 1200 нусхада чоп этилаётгани ачинарли, албатта. Бу тахририятлар фаолиятида туб ислохотлар зарурлигини кўрсатадиган рақамлардир.

Семинарда ҳудудий нашрларнинг бугунги ҳолати, менежмент ва маркетинг йўналишларидаги муаммолар каби мавзуларда маърузалар тингланди.

**ТЕРМИЗ**да Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида "Ҳудудий босма нашрларнинг ҳолатини яхшилаш буйича тақлиф ва тавсиялар" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори ўринбосари А.Ражабов ва бошқалар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар соҳанинг жойларда таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда халқнинг том маънодаги ишончли минбарига айланишида юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Сурхондарё вилоятида 30 газета ва битта журнал жами 136 мингдан ортиқ нусхада чоп этилмоқда. Айни пайтда босма оммавий ахборот воситалари адади йилдан-йил ўсиб бораётгани кузатилади. Жумладан, 2016 йил вилоят "Сурхон тонги" ва "Заря Сурхана" газеталари атиги 3 минг 50 нусхада босилган бўлса, 2017 йил 27 минг 600, жорий йилда 50 мингдан ортиқ нусхада чоп этилмоқда. Еки Кумқўрғон тумани ҳокимлигининг "Кумқўрғон садоси" газетаси 2016 йилда атиги 1 минг 750 нусхада тарқалган бўлса, ўтган йили 2 минг 100, бу йил эса 5 минг нусхада ўқувчиларга етказиб берилаётди. Термиз давлат университети муассислигидаги "Термиз университети" газетасининг 7 минг 15 нусхада нашр этилаётгани ҳам юртимизда босма оммавий ахборот воситаларини халқнинг ишончли, эркин ва очик минбарига айлантиришга қаратилаётган эътибор самарасидир.

— Ахборот макони кенгайиб бораётган бугунги даврда маҳаллий нашрлар ўз ўқувчиларига эга бўлиши учун янгиликларни тезкор, ишончли ва таҳлил асосида сифатли ёритиши лозим, — дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи С.Норқобилов. — Бунинг учун ҳудудий нашрлар жойларда юз бераётган ўзгариш ва янгиликларга бефарқ бўлмашлиги керак. Ваҳоланки, улар ҳудудда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида бошқа ОАВларга нисбатан арта хабар топади. Афсуски, айрим нашрлар бу борада оқсоқликка йўл қўйиб, ўз ўқувчилари назаридан четда қолаётгани ҳам сир эмас.

Тадбирда ҳудудий нашрларнинг бугунги ҳолати, менежмент ва маркетинг йўналишларидаги муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар, ҳудудий нашрларда ахборотни тайёрлаш — контент масаласи, журналист текшируви олиб бориш босқичлари ва тамойиллари, ислохотлар жараёнида жамоатчилик назоратини ўрнатишда журналистнинг роли ва бунда касбий этика тамойили каби мавзуларда маърузалар тингланди, тақдиротлар ўтказилди. Ҳудудий нашрлар аҳволини янада яхшилаш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди. (ЎЗА)

# Соҳибқироннинг франциялик набираси

## Мутолаа

Жорий ўқув йилидан бошлаб Самарқанд шаҳридаги француз тилига ихтисослашган 43-умумтаълим мактаби франциялик темиршунос олим, профессор Люсьен Керен номи билан аталган бўлди. Бинобарин, Европа темиршунослигида француз олимлари ҳамisha олдинги сафларда бўлишган.

Бу борада профессор Люсьен Керен (1920-2013) илмий-ижодий фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Таниқли олим 1978 йилда "Амир Темуր салтанати" асарини чоп этган. 1996 йилда Акмал Саидов билан ҳаммуаллифликда тайёрлаган "Амир Темур ва Франция" рисоласи ўзбек тилида нашр қилинган. 2006 йилда Соҳибқироннинг 670 йиллиги муносабати билан Парижда "Самарқандга, Амир Темур даврига саяхат" асарини битган.

Люсьен Керен ташаббуси билан Парижда ташкил этилган Темирүйлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциацияси бутун ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу фидойи инсон ҳақида атрофчила маълумотга эга бўлишни истасангиз, академик Акмал Саидовнинг Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Люсьен Керен — темиршунос олим" китобини ўқини тасвир этамиз.

## Очил БҮРИЕВ

Қарши давлат университети профессори

Жаҳондаги, жумладан, Фарбий Европадаги энг йирик давлатлардан бири — Францияда асрлар оша Туркистон тарихи, буюк аждодларимизнинг маданий бой мероси, хусусан "XV аср тақдирини ҳал қилган инсон" — Амир Темур ва темирүйлар салтанати даври буйича кенг қамровли теран илмий изланишлар олиб борилаётгани яхши маълум.

Бугунги кунда элликдан зиёд мамлакатда темиршунос олимлар фаолият кўрсатишмоқда. Амир Темурга бағишланган асарлар сонини Европа тилларида тўққиз юздан зиёд, Шарқ тилларида эса мингдан ошган. Кейинги йилларда яна тўрт юздан зиёд тадқиқот аниқланди. Соҳибқиронга бағишланган асарлар сонини тобора орта бориб, темиршунослик библиографиясини тузишни таказо этмоқда.

Европа, хусусан француз шарқшунослигида темиршунослик йўналишига Амир Темур бобимизнинг ҳаётлик пайтидаёқ тамал тоши қўйилган эди. Бу йўналишда француз темиршунослари "кашофлик" қилиб, самарали натижаларга эришган. Айниқса, кейинги юз йиллик муваффақиятлар асри бўлган.

Э.Лангле, А.Массе, Х.Моранилле, Р.Морга, Э.Блоше, Ж.Капо, Х.Мозер, Е.Блон, Л.Каун, Ж. де Риал, Л.Бува, Э.Берл, Р.Груссе, В.Жерар, Ж.Обен, Л.Керен, Ж.Ру, В.Фурние, Ж.Баке, А.Малуф, М.Ноквич, П.Амарже, Р.Лаффо, Ф.Брессанд каби олимлар темиршунослик мактаби шаклланган ва бу мактаб тобора ривож топиб бормоқда.

Зеро, машҳур француз темиршуноси Люсьен Керен таъкидлаганидек, "Улуғ Соҳибқироннинг тарихда қолдирган изи ҳали кўп асрлар давомида ўрганилиб, кейинги авлодлар учун намуна бўлиб хизмат қилади".

Шу ўринда таниқли француз сиёсат арбобларидан биринчи:



"Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш умрининг мазмунига айланган". Люсьен КЕРЕН

"давлатларимиз ўртасидаги азалий дўстона муносабатлар учун Амир Темур олдида қарздормиз", деган сўзларини келтириш ўринлидир.

Фидойи олим, профессор, кўпчилик ҳақиқи равишда "Соҳибқироннинг франциялик набираси" деб атайдиган Люсьен Керен (1920-2013) Амир Темур ва темирүйлар даври тарихи йўналишига ярим асрдан зиёд қарвонбошилиқ қилиб, самарали илмий натижаларга эришган. Олим 1996 йил баҳорда Парижда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Исрол Каримов билан учрашган ва давлатимиз раҳбарининг фармони билан "Шухрат" медали билан таъдирланган. Франциaning ўша пайтдаги Президенти Жак Ширакнинг қарорига кўра "Эхтиром легиони" орденига сазовор бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётини катта ихлос ва садоқат билан ўрганган машҳур француз олимидинг илмий меросини Марказий Осиё, Ўзбекистонда тарғиб қилишда, асарларини ўзбек китобхона-

рига етказишда ҳамда унинг хотирасини абадийлаштиришда халқимизнинг ардоқли фарзанди, таниқли давлат ва жамоат арбоби, фидойи ҳуқуқшунос ва темиршунос, академик Акмал Саидов хайрли ишларини олиб бораётгани таҳсинга лойиқдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг Францидаги илмий фаолиятини намуналар бобида олимнинг "Амир Темурнинг Париждаги элчиси", "Архиепископ Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар", "Темур Хоқон салтанати", "Амир Темур, Боязид ва насроний қироллар", "Амир Темур ва Ибн Халдуни", "Темирүйлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори Темурубек элчи Клавихо нигоҳида", "Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби (XV аср)" каби бўлимлар ўрин олган.

Китобнинг "Люсьен Кереннинг Амир Темурга бағишланган саҳна асарини" ҳақида алломанинг олти бўлимдан иборат "Буюк Темур" пьесаси (2006) ўрин олган (таржиҳмонлар Ш.Миноваров, Д.Бобоҷонов, Д.Махсудов).

"Люсьен Керен француз ва ўзбек замондошлари нигоҳида" бобида "Люсьен Кереннинг "Амир Темур салтанати" китобига сўзбоши" (Луи Базен), "Темирүйлар яратган боғлар" (Фредерик Брессанд), "Давлатларимиз ўртасидаги азалий дўстона муносабатлар учун Амир Темур олдида қарздормиз" (Франсуа Готье), "Амир Темур номи Францияда" (Жан Клод Ришар), "Амир Темур — илм-фан ва санъат ҳомийи, ўзидан бой маданий мерос қолдирган тарихий шахс" (Жак Анри Эльс), "Амир Темур ҳаётини чуқур ихлос ва садоқат билан ўрганган олим" (Б.Айламов), "Амир Темур ва темирүйлар тарихининг катта билимдон ва ҳассос тарғиботчиси" (А.Бердимуродов), "Люсьен Керендан ўзбек халқига чексиз муҳаббат, улкан илмий мерос қолди" (А.Мелибоев), "Биринчи Президентимиз Исрол Каримов эхтиромини қозонган атоқли француз олимидинг (Ш.Миноваров), "Французларнинг ўзбеклар қалбидан мангу жой олган зиндиқчилик" (П.Шамсутдинов) каби хотиралар китобнинг аҳами-

ланган қалдирғоч даврий нашрнинг чоп этилиши баён этилган.

Асарнинг "Люсьен Керен илмий ижодий фаолиятини намуналар бобида олимнинг "Амир Темурнинг Париждаги элчиси", "Архиепископ Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар", "Темур Хоқон салтанати", "Амир Темур, Боязид ва насроний қироллар", "Амир Темур ва Ибн Халдуни", "Темирүйлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори Темурубек элчи Клавихо нигоҳида", "Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби (XV аср)" каби бўлимлар ўрин олган.

Китобнинг "Люсьен Кереннинг Амир Темурга бағишланган саҳна асарини" ҳақида алломанинг олти бўлимдан иборат "Буюк Темур" пьесаси (2006) ўрин олган (таржиҳмонлар Ш.Миноваров, Д.Бобоҷонов, Д.Махсудов).

"Люсьен Керен француз ва ўзбек замондошлари нигоҳида" бобида "Люсьен Кереннинг "Амир Темур салтанати" китобига сўзбоши" (Луи Базен), "Темирүйлар яратган боғлар" (Фредерик Брессанд), "Давлатларимиз ўртасидаги азалий дўстона муносабатлар учун Амир Темур олдида қарздормиз" (Франсуа Готье), "Амир Темур номи Францияда" (Жан Клод Ришар), "Амир Темур — илм-фан ва санъат ҳомийи, ўзидан бой маданий мерос қолдирган тарихий шахс" (Жак Анри Эльс), "Амир Темур ҳаётини чуқур ихлос ва садоқат билан ўрганган олим" (Б.Айламов), "Амир Темур ва темирүйлар тарихининг катта билимдон ва ҳассос тарғиботчиси" (А.Бердимуродов), "Люсьен Керендан ўзбек халқига чексиз муҳаббат, улкан илмий мерос қолди" (А.Мелибоев), "Биринчи Президентимиз Исрол Каримов эхтиромини қозонган атоқли француз олимидинг (Ш.Миноваров), "Французларнинг ўзбеклар қалбидан мангу жой олган зиндиқчилик" (П.Шамсутдинов) каби хотиралар китобнинг аҳами-

ятини янада оширган.

Китобда Л.Кереннинг Амир Темур ва темирүйлар тарихи ҳолис тадқиқ этилган бир қанча китоблари моҳирона таҳлил қилинган. Жумладан, унинг "Амир Темур салтанати" (1978) китоби Франция ва Швейцарияда бир неча бор нашр этилган. Унда Соҳибқирон таржиҳмон ҳоли ва салтанати тарихи кенг қамраб олинган.

Профессор Л.Кереннинг иккинчи китоби — "Самарқандга, Амир Темур даврига саяхат" 1999 йили япон тилида ҳам босилиб чиққан. ЮНЕСКОнинг "Ипак йўли — мулоқот йўли" дастурига мувофиқ ёзилган ва босмага тайёрланган ушбу асар 2002 йилда қайта нашр қилинди. 2006 йилда эса учинчи нашри китоб-альбом шаклида Парижда китобхонлар қўлига теғди.

Л.Керен А.Саидов билан ҳамкорликда "Амир Темур ва Франция" рисоласини тайёрлаган. Ришар тўлдирилган ҳолда 2016 йилда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган қайта нашр этилди.

Шунингдек, Л.Кереннинг содиқ шогирди таниқли темиршунос олим Фредерико Белпортио Брессанд хоним — "Самарқанднинг мовий тилласи" (1998) безакли альбом ва "Фусунжор Самарқанд" (2003) каби салмоқли китоблар, қўлбал мақолаларнинг муаллифи ҳамдир.

Л.Керен темирүйлар даври тарихи билан жиҳдий шуғулланаётган вақтда Шуролар даврида Амир Темурунинг ўзи ортада ва ворислари даври тарихи тинимсиз қораланаётган, академик И.Мўминов каби миллат фидойиларига тухмат тошлари отилаётган, бу йўналиш жонкуярлари қатғонга учраб, қабохатли жараён қизғин давом этаётган эди.

А.Саидовнинг ушбу китоби барча асарлари каби катта қизиқш билан ўқилиши, далилларга бойлиги, тилининг раволиги билан ҳам кўпчиликка манзур бўлиши шубҳасиз.

► Спорт

Футбол оламида «сеҳрарлар» кўп. Уларнинг аксарияти миллионлар ўйинидан ўзга спорт турини тан олишмайди. Қарийб чорак асрдан буён аргентиналик тўп афсунгари Диего Марадона ва бразилиялик Пеле ҳақида давом этиб келаётган баҳсга ҳам кўпчилик турлича ёндашди. Кимгадир Пеле, яна ким учундир Марадона футбол қироли. Бироқ улардан кейин етишиб чиққан авлод ичида «тахт»га даъвогарлар кам эмас. Зайниддин Зидан. Майдонда кўрсатган минг бир «хунари» билан миллионлаб ишқибозларнинг юрагини забт этган. 1998 йилда Франция терма жамоаси таркибидан ўз мамлакатидан ўтказилган мундиалда кўрсатган жасорати эса ҳамон тилларда достон.

Жобир ХУЖАКУЛОВ  
шарҳловчи

Зиданнинг асли келиб чиқиши Жазоирга бориб тақалади. Ота-боболари Жазоирда бошланган уруш туфайли 1953 йили Францияга кўчиб келишди. Таг томири арабларга мансуб. Зайниддин 1972 йил 23 июнда Марсель шаҳрида дунёга келган. Оила жуда қашшоқликда кун кечирган. Муҳожирнинг шўри курсин. Ҳатто баъзи кунлари отаси нон учун ҳам пул топа олмаганини футболчи кўп эслайди. Оилада беш фарзандни боқиб ўн фақат ота ишлаган. Универмагда юк ташиган.

— Отам оилани боқиб ўн қийнаётганини ҳеч қачон бизга билдирмасди, — деб эслайди Зидан бугун. — Аммо биз, фарзандларига яхши ўқишимиз лозимлигини доим таъкидлаб келарди. Мен эса мактабга боришдан кўра спорт билан шуғулланишни маъқул кўрардим. Яширинча дзюдо тўғарагига қатнадим. Отам бунни эшитиб, хурсанд бўлган. Дзюдо билан шуғулланиб, озми-кўп муваффақиятларга эришдим.

Дзюдодан кейин у велоспорт билан бир муддат шуғулланади. Якунида оқ-қора рангдаги тўп бутунлай ўзига мафтун этади. 10 ёшида футболдаги фаолиятини жиддий бошлаш учун лицензияни қўлга киритади. Махаллий «Сен-Анри» клубининг ёшлар жамоасига қабул қилинади. Ярим йилдан кейин эса «Сетем-ле-Валлон» жамоасига ўтади. Янги жамоада ўн тўрт ёшигача ўйнайди. Айнан ана шу клуб таркибидан ўйинлари орқали Зидан футбол агентларининг эътиборини тортади. Унинг ўйинларини кўрган Франциянинг кўзга кўринган клублари энди ёш футболчиларни қўлга киритиш учун курашга киришади. «Канн» футбол клубининг агенти Жаном Варро 14 ёшли болани ўз жамоасига ўтишга кўндиради. Бироқ Зиданнинг ота-онаси ўғлини бошқа шаҳарга юборишни истамаган. 1987 йилда Жаном Варро 14 ёшли болани Марселдан Кан шаҳрига олиб кетади. Мазкур шаҳарнинг бош клуби — «Канн» жамоаси ўз тарихида илк мартаба ҳали вояга етмаган бола билан профессионал шартнома тузади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, футбол агенти жамоа раҳбарларини Зидан билан шартнома тузиши шартлигини кўп бора исботлашга уринган. Унинг сўзларига кўра, ўша пайтдаги «Канн» раҳбарлари «Сен бизнинг устимиздан кулясанми ёки жамоадан пул ундиришга ҳаракат қилаясанми?» қабилидаги гапларни айтишган. Варро эса Зидандан келажакда жуда кучли футболчи чиқишини айтишдан чарчамаган. У Зидани икки йил обдон кузатган. Охир-оқибат шу му-



# Велосипедда футболга келган муҳожир

ҳожир боладан келажакда «бир нарса» чиқишига ишониб, раҳбарларини ҳам кўндирди.

Зидан гоят меҳнатқаш. Бу унга отасидан ўтган. Ҳар қандай қийинчилик бўлмасин, энгиб ўтишга интилади. Ёлғиз ўзи нотаниш шаҳарга кўчиб борган бола бошидан ўтказган қийинчиликларни доим ота-онасидан сир сақлашга ҳаракат қилган. Бу фазилати ҳам унга отасидан ўтганини кўп бор таъкидлаган. Футболдаги профессионал фаолиятини «Канн» жамоасида бошлаган Зидан кейинчалик Франциянинг «Бордо» жамоасида давом эттиради.

Унга 20 аснинг сўнги ўн йиллигида жохон футболда катта маъкега эга Италиянинг «Ювентус» клуби харидор бўлади. Беш йиллик фаолиятдан кейин 1996 йилда Туринга кўчиб ўтади. Зидан «Ювентус» билан биринчи мавсумдаёқ катта ютуққа эришади. Турин клубидаги фаолияти давомда футболчи икки карра Италия чемпиони ва кубоги соҳиби бўлади. Европа суперкубогини қўлга киритади. 2001 йилда эса унга футбол гигантларидан бири — Мадриднинг «Реал» клуби харидор бўлади ва 2001 йили 75 миллион доллар эвазига уни қўлга киритишади. Ўша йили футбол бозоридан ушбу сумма рекорд кўрсаткичга айланган кўпчиликнинг ёдига бўлса керак. Зидан «Реал» билан ҳам бир футболчи эришиши мумкин бўлган барча совринларни қўлга киритади. Энг муҳими, Мадрид муҳлисларининг кўнглидан мухтажам жой олади.

У ота-боболари юрти Жазоир шарофтини ҳимоя қилишдан кўра, ўзи туғилган Франция футбол жамоаси либосини кийишни афзал билди. Балки тўғри қилгандир. 1998 йилги мундиалда Бра-

зилия терма жамоаси дунё футболда яловбардор эди. Фаранглар бу аънагага Зидан кўмағида барҳам беришган. Франция майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида Зиданнинг кимлиги яққол намён бўлди. Дунёга донги кетди. Ўз юртида ўтказилган чемпионатнинг финалида французлар Бразилияни бутунлай тўпсиз қолдириб, тор-мор этишди. Зиданнинг ушбу финалдаги ўйини эса бутун дунёдаги футбол ишқибозларини ҳайратга солди. Бразилиялик арзаанда Роналдо марселлик Зиданнинг соясида қолиб кетди. Орадан икки йил ўтиб, Франция жамоаси Зидан етакчилигида Европа чемпионлигини қўлга киритди.

Зидан билан боғлиқ ноҳуш воқеалар 2006 йилда Германияда ўтган мундиалда содир бўлганини кўрганмиз. «Германия — 2006» мундиалининг финалида Франция — Италия жамоалари рўбарў келган эди. Ушбу баҳснинг қўшимча бўлимида Зидан ва италияликлар ҳимоячиси Марко Матераци ўртасида ўтган можаро шу кунгача тилдан тушмаётир. Кўпчилик Зидан нега Матерацига боши билан зарба берганини билишга ҳаракат қилади. Ушбу можародан кейин Зидан футболдаги фаолиятини тутатгани рост.

Зайниддин Зидан 2015 йилгача «Реал» клубининг турли ёшдаги жамоаларига мураббийлик қилди. Ўша йили кутилмаганда клуб президенти уни жамоага бош мураббий этиб тайинлади. Зидан мураббийлик фаолиятида ҳам катта натижаларга эришган олгини диққатга молик. Футболда зўр футболчидан яхши мураббий қилмайди, деган ақида бор. Аммо Зидан бу даққи тушунча эканлигини исботлай олди. У «Реал» билан уч йил кетма-кет

ЗАЙНИДДИН  
1972 ЙИЛНИНГ  
23 ИЮНИДА МАРСЕЛЬ  
ШАҲРИДА ДУНЁГА КЕЛГАН.  
ОИЛА ЖУДА ҚАШШОҚЛИҚДА  
КУН КЕЧИРГАН.  
МУҲОЖИРНИНГ ШЎРИ  
КУРСИН. ҲАТТО БАЪЗИ  
КУНЛАРИ ОТАСИ НОН УЧУН  
ҲАМ ПУЛ ТОПА ОЛМАГАННИ  
ФУТБОЛЧИ КЎП ЭСЛАЙДИ.  
ОИЛАДА БЕШ ФАРЗАНДИ  
БОҚИШ УЧУН  
ФАҚАТ ОТА ИШЛАГАН.

Европа чемпионлар лигаси бош совринини қўлга киритган биринчи мураббийдир. Шу кунгача бундай натижани ҳеч бир мураббий қайд этган эмас. Шу йил ушбу совринни учинчи мартаба қўлга киритганидан кейин кутилмаганда Зидан «Реал»даги фаолиятини якунлашни маълум қилди. Бундай қарордан кейин футбол жамоатчилиги қарахт ҳолга тушиб қолгани бор гап.

Яқинда интернет сайтларида Зиданнинг яна мураббийликка қайтиши ҳақида турли миш-мишлар тарқатилди.

— Тез орада мураббийлик фаолиятимга қайтмоқчиман, — деган у испан телеканалига берган интервьюсида. — Негаки, ўз ишмини яхши кўраман.

Унинг қайси клуб бошқарувини олишини ҳозирча ўзидан бошқа ҳеч ким аниқ билмайди.

► Ҳуқуқ

— Ҳеч қаерда ишламаган шахслар ҳам пенсияга чиқиши мумкинми? Чика олса, неча ёшдан чиқиши керак?  
Жиззах туманидан  
Ф.Самадов.

— «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга асосан иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Уларнинг ижтимоий таъминлини тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан иш стажига эга бўлмаган шахсга ёшга доир нафақа меҳнатга лаёқатли вояга етган фарзандлари, қариндошлари ёки Оила кодексига мувофиқ уларни таъминлашга мажбур бўлган бошқа шахслар бўлмаган тақдирда тайинланади.

— Университетда 4-босқич талабасиман, мактабда дарс беришим мумкинми?  
Тошкент шаҳридан  
Д.Омонов.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарорига асосан тасдиқланган Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомнинг 8-бандига кўра, олий таълим муассасасининг 4-босқичида ўқийётган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиши мумкин ва уларга ўрта махсус, касбий маълумотга эга бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.

— Қизим ногирон болани фарзандликка олган. Бундай шахсларга қўшимча дам олиш вақти белгиланганми?  
Зарафшон шаҳридан  
Л.Захарова.

— Ҳа, белгиланган. Ногирон болани тарбиялётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунча қадар бир кунлик иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилган.

Саволларга Сергели туман адлия бўлими масъул ходимлари Рустам АБУЛҲАЙРОВ, Атахам ИСОКОВ жавоб беришди.

► Божхона бекати

Гўзал ТУРСУНПҮЛАТОВА

## Текшириш бошланди

НЕФТЬ ҚАЕРДАН  
ЎФИРЛАНДИ?

Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида бир «Кобалт» русумли автомашина Фарғона шаҳар ҳудудида тўхтатилганда, салонда полиэтилен қопларга жойланган 710 литр нефть хомашёси ортилгани аниқланган.



Одатда, нефть мураккаб технологиялар асосида заводларда қайта ишланади. Бироқ «уддабуронлар» энди уни қўлбола цехларда қайта ишлашга киришганга ўхшайди. Олғирлар бу хомашёни қаердан олишгани қизиқ?

КИШ ГАМИНИ ЁЗДА Е?

Данғаралик бир шоввоз содир этган божхона қонунбузарлиги беихтиёр сарлавҳадаги нақлни ёдга солади. Қарангки, у одатда янги йил арафасида яширин савдоси авж оладиган пиротехника воситаларини ҳозирданок республикамизга олиб кириш режасини тузган экан.

Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ушбу шахс бошқарувидаги «Нексия» автомашинаси тўхтатилиб, ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, автомашина салонига хорижда ишлаб чиқарилган 144 килограмм пиротехника воситалари ортилгани аниқланди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 58,4 минг донадан ортиқ мазкур пиротехника воситаларининг умумий қиймати 14,4 миллион сўмни ташкил қилади.

«ЎҚЛАНГАН» БАГАЖ

Амалдаги тартибларга кўра, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўқотар

қуроллар ва ўқ-дориларни олиб кириши мумкин эмас.

«Владивосток-Тошкент» йўналиши бўйича учиб келган фуқаро пойтахтимиз аэропортидаги «яшил йўлак» орқали ўқ-дориларни олиб ўтишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди. Унга тегишли бағаж кўздан кечирилганда, ичида божхона назоратига тақдим қилинмаган 1545 грамм сочма ўқ, 800 дона пистон ва қуролларни ўқлашда фойдаланадиган бошқа воситалар борлиги аниқланди.

СУВГА АЙЛАНГАН СПИРТ

Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра, мамлакатимизга этил спиртини олиб кириш тақиқланган. Ҳоҳ тонналаб бўлсин, ҳоҳ граммлаб! Москвадан учиб келган фуқаро ўзи билан 3 баклашқада 5 литр этил спиртини олиб келиб, Қарши халқаро аэропортида қўлга тушди. Божхоначилар баклашқалардаги ёрликларга ишониб, спиртни оддий газланган сувдан фарқлай олмас деган ҳаёлга боргандир. Сувга айланган спирт фож бўлди.

МАРИХУАНАНИНГ ЭГАСИ  
КИМ?

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари ва

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар ходимлари билан ҳамкорликда қўшни давлатдан республикамиз орқали транзит тарзида ўтаётган юк поезди божхона кўригидан ўтказилганда, вагонлардан бирининг остки қисмига полиэтилен ўрамларда қуритилган гиёҳванд ўсимликлар яширилгани фож бўлди.

Экспертлар хулосасига кўра, ушбу қуритилган ўсимлик 147,52 грамм оғирликдаги марихуана гиёҳвандлик воситаси экан.

ОЗ-ОЗДАН ЙИГИЛИБ...

Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси томонидан ички ишлар идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир давомида бир фуқаро бошқарувидаги ISUZU русумли автотранспорт воситаси тўхтатилиб, ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, унда умумий қиймати 69,4 миллион сўмлик 20 дона телевизор ва 29 дона кир ювиш машинаси борлиги аниқланди. Тадбир давомида ушбу товарлар бир гуруҳ аёлларни ёллаган ҳолда қўшни давлатдан доналаб олиб киритилгани маълум бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолат Наманган вилояти божхона бошқармаси «Косонсой» чегара божхона постида ҳам кузатилди. Қиймати 9 милли-

он сўмлик 3 дона кондиционерни божхона тўловларисиз олиб кириш мақсадида уларни ўтказиб бериш учун 3 нафар бошқа йўловчиларни моддий манфаат эвазига ёллаган.

Эслатиб ўтамай, 2018 йилнинг 1 июлидан белгиланган меъёрлар доирасида қўшни давлатлардан айрим турдаги маиший техника воситаларини божхона тўловларини тўламай, 1 календарь ойида чегарани биринчи мартаба кесиб ўтаётганда фақат 1 дондан олиб ўтишга рухсат этилган.

МЕТАЛЛНИНГ  
БЎЛАГИ  
ҲАМ МЕТАЛЛИ

Сирдарё вилоятида божхоначилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган наватбатдаги божхона қондабузарлиги давомида рангли металл парчалари яширинча олиб чиқилишининг олди олинди.

Шубҳа остига олинган «Нексия» русумли енгил автотранспорт воситаси божхона кўригидан ўтказилганда, унинг ёқилги қуйиш баки ичига қиймати 1 миллион сўмдан ортиқ 66 килограмм мис

рангли металл парчалари яширилгани аниқланди.

ДРОН ТОШКЕНТГА  
«КИРОЛМАДИ»



Пойтахтимиз аэропортида Шаржадан учиб келган фуқарога тегишли бағаж божхона кўригидан ўтказилганда, унинг ичида йўловчининг божхона декларациясида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўровида айтилмаган, нархи 14 миллион сўмдан ортиқ учувчисиз учиб аппарати борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизматидан маълум қилишларича, ҳозир қайд этилган ҳолатлар юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

## ► 27 сентябрь — Халқаро сайёҳлик куни

Юртимиз ҳақида "Яратганнинг назари тушган жой", "Осиёдаги Швейцария", "Иқлими мўтадил, ўзи — гоёт гўзал" каби таърифларни эшитганда қувонамиз. Рост-да, Ўзбекистоннинг қайси ҳудуди-га борманг, ўзимиз-ку майли, хорижлик сайёҳларнинг ҳам оғзини очиб қўядиган жойларимиз кўп.

### Гулжаҳон МАРДОНОВА

журналист

Дунё тажрибасидан маълумки, бирор-бир соҳани кечаги сўлгин ва абгор ҳолидан олиб чиқиш учун узоқни кўлаб, чуқур таҳлил ва таққослаш асосида қабул қилинган ҳуқуқий асос керак.

Мамлакатимизда сўнгги икки йилда шундай мустақам асос яратилди.

2016 йил 2 декабрь. Ўша куни давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида имзо қўйди.

2017 йил 16 август. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

2018 йил 3 февраль. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратиш бўйича шароитлар ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Ҳа, мамлакатимизда валюта тушумини кўпайтириш, унинг обрўини ошириш учун кенг йўллар очилди. Ўзбекистон Республикасининг туризм ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолияти такомиллаштирилди. Шу билан бирга талаб ва масъулият кучайтирилди. Туризмни ривожлантириш бўйича инвестициялар жалб этиш имкониятлари янада кенгайди.

Урта Осиёнинг гавҳар шаҳарлари — Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабзда хавфсиз туризм таъминлашни йўлга қўйилди. Кези келганда эслаш ўринли. Бир замонлар Амир Темури бобомиз фахр билан айтган: "Менинг салтанатимнинг бу бурчидан бошига тилла тўлдирилган товоқни қўйган бола нариги бурчига эсон-омон етади" деган гапи бугун воқеликка айланмоқда. Юртимиз тинч, халқимиз бунёдкорлик ишлари билан банд. Салтанат юксалиш йўлидан дадил одамламоқда.

Бир мисол. Мамлакатимизнинг жанубий сарҳади —

Қашқадарё вилояти ўзининг ноёб табиати, экотизими, қадамжоларининг кўплиги, Соҳибқирон Амир Темурга бешик бўлган диёр сифатида хорижлик сайёҳларни кенг жалб эта олиш салоҳиятига эга. "Қарши" халқаро аэропортини ривожлантириш концепцияси тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Ҳужжатда ушбу аэропорти "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК таркибидан чиқариб, халқаро аэропортларни бошқариш бўйича ихтисослаштирилган компания бошқарувига бериш, аэропорт ҳудудида "Очиқ осмон" режимини жорий этиш, шу жумладан лоукостер-авиакомпанияларни жалб қилиш назарда тутилган.

Ички ва кириш туризмни ривожлантиришга ҳар бир мамлакатда муҳим масала сифатида қаралади. Мамлакатимиздаги маънавий бойликларимизни аввало биз, ўзимиз кўрайлик, ҳис қилайлик, шунда дунёга кўз-кўз қилишимиз осон бўлади. Бу кун исталган тарихий шаҳар, исталган тарихий қадимжого боринг.

Минглаб юртдошларимиз — отахон ва онахонлар, талабалар, мактаб ва коллежлар ўқувчилари саёҳат қилиб юрганни кўрасиз. Бу ёши улугларнинг шуқроналиги туфайли дуога қўл очилари, ёшларда ватанпарварлик, миллий гурури, боболар меросидан фахрлиниш туйғуларини шакллантириш ва мамлакатимиз хазинасининг бойишида муҳим омилдир.

Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар аввало ортиқча ноқулайликларга рўпара бўлмаслиги керак. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 июлдаги "Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш тартибини янада оптималлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан бу борадаги тўсиқларга барҳам берилди. Ҳужжатга имзо қўйилган орадан 11 кун ўтиб, юртимизда электрон виза бериш тизими (e-visa.gov.uz) ишга туширилди. Сайёҳларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришида мисли қўрил-



Сарвар МАМБЕТОВ фотоси

# Бутун дунёни кафтимизда кўрамиз

маган энгилликлар яратилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасидан берилган маълумотларга кўра, йигирма кунда Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Франция, Германия, Италия, Польша, Австралия каби улугларнинг шуқроналиги туфайли дуога қўл очилари, ёшларда ватанпарварлик, миллий гурури, боболар меросидан фахрлиниш туйғуларини шакллантириш ва мамлакатимиз хазинасининг бойишида муҳим омилдир.

Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар аввало ортиқча ноқулайликларга рўпара бўлмаслиги керак. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 июлдаги "Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш тартибини янада оптималлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан бу борадаги тўсиқларга барҳам берилди. Ҳужжатга имзо қўйилган орадан 11 кун ўтиб, юртимизда электрон виза бериш тизими (e-visa.gov.uz) ишга туширилди. Сайёҳларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришида мисли қўрил-

маган энгилликлар яратилди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасидан берилган маълумотларга кўра, йигирма кунда Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Франция, Германия, Италия, Польша, Австралия каби улугларнинг шуқроналиги туфайли дуога қўл очилари, ёшларда ватанпарварлик, миллий гурури, боболар меросидан фахрлиниш туйғуларини шакллантириш ва мамлакатимиз хазинасининг бойишида муҳим омилдир.

Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар аввало ортиқча ноқулайликларга рўпара бўлмаслиги керак. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 4 июлдаги "Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш тартибини янада оптималлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан бу борадаги тўсиқларга барҳам берилди. Ҳужжатга имзо қўйилган орадан 11 кун ўтиб, юртимизда электрон виза бериш тизими (e-visa.gov.uz) ишга туширилди. Сайёҳларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришида мисли қўрил-

нинг "KBS" телеканаллари ижодий гуруҳларининг Ўзбекистонга ташрифлари ўзининг юксак самараларини бера бошлади.

Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги эллиқдан ортиқ объектда босқичма-босқич Wi-Fi каналлари ташкил этилди. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий фуқароларни хусусий меҳмонхона — уйлarga электрон рўйхатга олиш, мустақил саёҳат қилувчиларни вақтинчалик рўйхатга қўйиш электрон тизими ва мобиль иловаси ишга туширилди. Бу ҳам ортиқча қозғозликларнинг олдини олиши муқаррар.

Кишлоқ жойларидаги меҳмонхона-уйларни кредитлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан "Микрокредитбанк" томонидан Тошкент вилоятида эллик битта кредит ажратилди. Уларнинг умумий қиймати 898,0 млн. сўми ташкил этади. Энди меҳмонхона-уйлар қурилиши, дизайни ўзбекона бўлишини унутмасак бўлгани. Зеро, қадимий қадриятларимиз акс этгандаги-

Мафтунингман Ўзбекистон! — деди биринчи котиб менга қараб: "Бироздан кейин хонамга кириб", деди.

1987 йили бўлган фаоллар йиғилишини ҳануз завқланиб эслаймиз. Мажлис тугаб, одамлар тарқала бошлаганда биринчи котиб Шер Фиёсов менга қараб: "Бироздан кейин хонамга кириб", деди.

### Файзи ХАЙДАРОВ

#### СУХБАТДАГИ САРҒАЙИШ

Секин эшикни очиб, ичкарига кирарканман, биринчи котибнинг яхши кайфият билан кутиб олаётганини сездим.

— Бюро аъзолари муҳаррир вазифасига сизни лозим топди, — деди у кулимсираб. — Ахтам Тўрақуловга жавоб бердик. Ишни эплаб кета оласизми?

— Йўқ, — дедим бироз тугилиб. — Тилда анча нўноқман. — Сизга икки кун муҳлат, яхши ўйлаб кўринг. Фикрингизни келиб айтасиз. Ҳозирча бу ҳақда ҳеч кимга гулланманг. Ойлангизга ҳам...

Кечга бориб, туман ижроия қўмитаси раиси Абдуразақ Турсунов ҳам хонасига чақиртирди.

— Сизни муҳаррирликка тавсия этсак, бодилик қиласиз, — деди. — Тошингизни бунча оғир қўймай. Тамом. Биринчи котибга розилингизни ўзим айтман...

— Икки кундан кейин туман партия қўмитаси мафкура котибаси Ҳабиба Исмоилова, тарғи-

Охири. Боши 38, 39-сонларда.

## «Қаламимизни тортиб ололмайсиз!»

Кекса журналистнинг хотираларидан

Хафтанинг охирида ҳужжатларим вилоят партия қўмитасига юборилди.

Азоб-уқубат шундан кейин бошланди. Ўша вақтнинг тартиб-қоидаларига кўра, туман газетаси муҳаррири бўлман, деган одам вилоят партия қўмитаси инструкторидан тортиб биринчи котибигача бўлган "арбоблар" суҳбатидан ўтказиларди.

Бир ой вақтим кетди. Суҳбатларнинг бирини ҳамон юрак-бағрим эзилди эслаймиз.

— Ургутни мулла босиб кетган, — деди ташкилий-назорат ва кадрлар бўлими мудир Филиппов. — Шундан хабарингиз борми?

Улай агар, эшитмагандим. Сувдан куруқроқ чиқиш учун "Ҳа, хабарим бор", деган маънода бошимни қимирлатиб қўйдим.

— Бир коммунистнинг маънавияти бориб, имом-хатибга пул бериб турганида КГБ ходимлари томонидан суратга олинган. Ҳали бунга жавоб берасизлар. Муҳаррир бўлсангиз, муллага қарши курашасиз. Муҳаррир дегани атеист, дегани эканини ҳеч қачон эсдан чиқарманг...

Асабимнинг бу учрашувда қакшаши бюро мажлиси олдида ҳолва бўлиб қолди. Бир кун олдин мени вилоят партия қўмитасига чақирди. Бир масъул ходим биринчи синф ўқувчиси

каби етаклаб олиб, бюро мажлиси ўтказиладиган залга бошлаб кирди. Тўрда — бир метр чамаси баландликда бюро аъзолари, номзодлари ўтирадиган ярим ой шаклда стол қўйилган. Пастда етмиш-саксон кишига мўлжалланган стуллар ўрнатилган. Уртада бюрога чақирилганлар, масъуллар кириб чиқадиган йўлак. Унга ранги қўғдай ўткир поёндоз тўшалган...

— Чақирилганда биринчи қатордаги мана шу стулга келиб ўтирасиз, — деди масъул ходим. — Таржимаи холингиз ўқиб эшиттирилгач, ўрнингиздан турасиз. Бу ер карвонсарой эмас. Ўйлаб, оғзингизга қараб гапиринг. Қовун туширсангиз, битта ўзингиз эмас, бизлар ҳам балого қоламиз.

### ҚИЗИЛ ИМПЕРИЯНИНГ ҚИЛИЧИ

Эртаси куни бюро мажлиси бўлди. Ичкарига чақирилганимда масъул ходим ўргатганидек биринчи қаторда ўзим учун ажратилган стулга бориб ўтирдим. Бошим гувилларди. Таржимаи холимни ўқиди. Биринчи котиб бир менга, бир залга қараб:

— Кимда савол бор? — деди. Филиппов ўрндан кўзгалди. — Ургутда мулла кўпайган.

Рўза тутадиган коммунистлар бор...

Жаҳлимни босолмай қолишдан кўрқиб, қалтираб-титраб турардим. Унинг ҳар бир сўзи нафақат юрагимни, жигаримни ҳам илма-тешик қилаётгандек эди. Мақолаларни пишиқ-пухта тайёрлаш, газетани сифатли чиқариш, ҳозиржавобликни таъминлаш, журналистик талант, қобилият ҳақида бир оғиз гапиришмагани мени ҳайратга соларди.

— Сизни муҳаррир вазифасига тасдиқладик, — деди биринчи котиб менга. — Табриклайман! Фақат бу ерда айтилганларни бажаришга киришинг...

Агар миллий кадрларимиз топталган, поймол этилган бундай оғир воқеалар ҳақида бугунги ёшларга гапириб берсангиз, бирови ишонади, бирови йўқ. Буни фақат қизил империянинг ўткир қиличи баланд кўтарилган, дўқ-пўписа, қўрқитиш билан одамлар маҳкам сиқиб ушлаб турилган замонни кўрганлар тан оладилар, холос.

Бугун ортимга қараб, босган изларимга назар ташлаб, тақдиримдан нолимайман. Умримнинг беҳуда ўтмаётганлигини қалбимни фахр туйғуларим қамрайди. Қариб-қартайган давримда ҳам газета саҳифаларида бирорта материал чикса, худди гўдакдек қувона-

малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ошириши табиий. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2018 йил 28 июнда қабул қилинган "Ипак йўли" туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига кўра, аяни дорилфунун Самарқанд шаҳрида очилди.

Халқимизнинг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги ва пазадлиги жаҳонга машҳур. Сайёҳлар учун Фарғона водийсининг девзира гуручдан тайёрланган чойхона оши, Хоразмнинг тухум бараги, Самарқанднинг нўхат-шўраги, Чироқчининг яхнаси, жизи, Деҳқонободнинг тандир каботи, Тошкентнинг хасипини тановул қилиш гоёт ёқимлидир. Сайёҳлик маршрутига киритилган ресторанлар, емақоналарда ана шундай таомларнинг тайёрланишига эътибор ортмоқда.

Хуллас, ишлар гурқираб кетди. Режалар эса катта. Ўрни келганда айрим тақлифларимизни ҳам айтиш жоиз кўринади. Мавжуд олти юз ўттиздан ортиқ меҳмонхоналаримизга ходимларни "чертиб-чертиб" ишга қабул қилиш керак. Зеро, бундай мулозимлар сайёҳларда мамлакатимиз ва халқимиз ҳақидаги илк тушунча шаклланишига сабаб бўлади.

Муомала маданияти, ўзбекона тавозега риоя қилиниши керак. Меҳмонлар мамлакат остонасидаёқ эътиборсизликка рўбару бўлса, яна қайтиб келмайди. Келмаса, чўнтагимизга зарар. Замонавий меҳмонхона яқинидаги ресторан, тамаддиҳона, таомлар, уларнинг нархи, кўнгличор, дам олиш масканлари, керак бўлса, уларга элтадиган транспорт воситалари ҳақида маълумотлар жамланган қўлланмалар тақдим этилмоғи ҳам муҳим.

Хусусий меҳмонхоналар фаолиятига кенг йўл очилгани сайёҳлар оқимини сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди. 2017 йилнинг ўзида хорижлик сайёҳлар сони уч бараварга ошди. Ошаётгани рост бўлсин.

Дунё бўйича туризм ривожланган мамлакатлар рейтингидан Франция биринчи ўринни кўлдан бермайтир. Утган йили мамлакат хазинаси саксон олти миллиондан ортиқ сайёҳ туфайли оқиб келган ақча билан тўлдирди. Иккинчи ўринда — Испания: саксон бир миллиондан ортиқроқ. АҚШ — етмиш бир миллион сайёҳни ўзига жалб қила олди.

Қандай? Туризм маркетинги ва туризм брендини яхши йўлга қўйгани учун.

Ҳа, гайрат қилсак, бутун дунёни кафтимизда кўрамиз!

# Сўз мўъжизаси

Қўлимда шоир Сирожиддин Саййиднинг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган янги китоби — "Онамнинг қулчалари".

Китоб шоирнинг кейинги йилларда ёзилган шеърлари асосида тузилган салмоқли тўртта бўлимдан иборат. Хусусан, "Сўз қушлари" деб номланган биринчи бўлимдан шеърлар, "Доғини Мажнун қонатмиш" бўлимидан эса ғазал ва мухаммаслар ўрин олган. Учинчи бўлим — "Хамса хайратлари" дея номланиб, ҳазрат Алишер Навоийнинг "Хайрат ул-аброр" асаридан илҳомланиб ёзилган шеърлар ва сўнгги "Тун била тонг" бўлимида тўртликлар билан танишамиз.

## Абдумажид АЗИМ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Муаллиф ушбу китобини волидан мухтарамаси Холбиби Насриддин қизи ва барча узоқларига бағишлаган. Бундан қирқ йил аввал ўғлини Тошкентга ўқишга қузатган ва шу кунгача уни соғиниб кутаётган Она сиймоси муаллиф чизгиларида ўзгача бир жило беради. Умуман олганда, шоирнинг шеърларида Она ва Она Ватан тимсоллари бир-бири билан уйғун, вобаста ҳолда бутун шеърятти, ижоди лейтмотивини ташкил этади, десак хато бўлмайди.

Кейинги даврда шоирнинг Ватанга бағишланган китобини шеърлари адабий муҳитда воқоғга айланаётганини таъкидлаган ҳолда, Ватан мавзусида қалам тебратишда бошқаларга мутлақо ўхшамаган йўлни топганини пайқаймиш. Хусусан, муаллифнинг "Юқинг ерда қолмагай", "Жоним Ватан", "Озод ватан, гул Ватан", "Ўзгаришлар даври", "Навоийнинг боғлари ёхуд адабиёт дарсларида", "Янги ҳаёт" каби шеърлари фикримизнинг далилидир.

Ушбу китобга кирган "Ифтихор" шеъри кейинги йилларда мустақиллигимизнинг янграқ шиорига айланган.

*Истибоднинг дориди,  
Эмирлар қориди,  
Асрлардан нарида  
Ким эдику ким бўлдиқ.*

*Ўзингдан бир из қолдир,  
Огоҳ ўғил қиз қолдир,  
Аялдорларга из қолдир,  
Ким эдику ким бўлдиқ.*

Бу шеърни бугун Ўзбекистондаги ҳар бир мактаб ва коллеж, институт ўқувчи ва талабалари ёд билади, десак хато қилмайман. Унда қўйма, мухтасар сатрларда истиклолгача ва истиклолдан кейинги давр таққосланибгина қолмасдан, бетакрор ташбеҳларда узоқ ва яқин тарих манзаралари чизилганини кўрамиз. "Дунё талош, дунё — оч", Айвонингда қалдирғоч" ёки "Қалқиб турган бу олам, Тинч турмас ҳеч, жон болам" каби сатрларда ошқора ёки пинҳоний олишувлар майдонига айланган, халқро терроризм ва экстремизм, "оммавий маданият" каби бало-офатлар инсониятга тиш қайраётган бугунги мураккаб ва

қалтис жаҳон манзараси кўз олдимизга келади. Шоир мана шундай нотинч, таҳликали бир вазиятда фақат огоҳ ва хушёр ҳолда, садоқат ва жасорат билан "тўфонлардан хайқмай" Ватани ва ўзлики асрай олишимиз мумкинлигини таъкидлайди.

Шеър ёзишга ҳавасманд ҳар бир инсон албатта, Ватан ҳақида нимадир айтгиси келади. Сирожиддин Саййиднинг Сидкий Хондайликкий ғазалига тазмин-мухаммас сифатида яратилган "Жоним Ватан" номли шеърини ўқир экансиз, чинакам сўз мўъжизасини кўрасиз. Шеър юртимиз ва элимизга хос гўзал хислату фазилатлар халқона йўлларда очиб берилади. Лирик қаҳрамон онамсан, дея Ватан изларини кўзга сурмоқни, бола бўлиб сувларида мавжлар ўроқни, тоғлар каби баланд-баланд ўйлар сурмоқни истаиди. Хар оқшом ҳилолга қафтларини очиб, юрт камолига камол тилайди. Ҳўзини юртининг ҳалол нонига даҳлдор санаган ҳолда, ҳатто захматқаш чумолига ҳам таъзим этишга тайёр. Шеър ниҳониясида:

*Бугдой бошғидай унган  
сўзим — Ватан,  
Кимман ахир сенсиз мен бир  
ўзим, Ватан?*

*Олам аро менинг ёруғ  
юзим Ватан,  
Жоним Ватан, таним Ватан,  
кўзим Ватан,*

*Даврон кўриб,  
давру даврон сурғон ерим, —*

дея эътироф этадики, ушбу мисралардан инсоннинг Ватансиз бир ўзи ҳеч ким эмаслиги, фақат Ватан билангина тирик, юзи ёруғлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат экани аниқлашади.

Китобдан ўрин олган "Соғинч минтақаси ёхуд Сангардак ва Америка" шеърини шоир Америкада ўқиб келган ёш юртдоши Чори Мирзаёвга мурожаат қилиб, аввало унга Ватан соғинчидан сўз очади. Америка шубҳасиз, мўъжизалар мамлакатиди, бойлик, фаровон ҳаёт, демократия тимсоли. Умуман орти мамлакатининг мўъжизалари гарчи бутун дунёни мафтун этмасин, шоирнинг Америка борасидаги фикри батамом бошқача:

*Дунё кезиб етдим  
охир бир малҳамга,  
Кўксим очиб айттай  
тоғу шаршарамга:*

*Энг буюк бахт —  
ўз қуёш, ўз ойинг экан,  
Ўз маконинг, ўз уйинг,  
ўз жойинг экан.*

Сирожиддин Саййиднинг мумтоз вазнлардаги битикларида сўз ўйинлари, сўзларга жило бериш, фикрларни зич ифодалаш кучли. Жумладан, "Шеър ва шоир ғазали"даги қуйидаги сатрларга эътибор беринг:

*Не буюк олам яратмиш  
килки сўй —  
Еру осмон, жумла олам  
мулки шеър.*

*Шеър кўнғилларга  
самолардин келур,  
Ҳам оёқ остинга боқ:  
хас, гилки — шеър.*

Ғазалда шоир нозик фасоҳат ила бутун борлик, коинотдан тортиб, энг митти заррагача шеърга дохил эканини тасдиқлайди. Биз Ҳадису шарифларга асосланиб сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат борлигига имон келтирамиз. Аммо ҳаёт ташвишлари ўрамида коинот, табиат, унда кечаётган ўзгаришлар бетакрор мўъжиза эканини кўпинча ҳаёлдан фаромуш этамиз. Яна ҳам аниқроғи, биз табиатдан хайратланмай қўйганмиз. Холбуки, дунё, фаслларнинг алмашинуви, қўйингки, барча-барчаси Яратганнинг истак-иродаси билан мукамал ва гўзал тарзда бунёд этилгани ва бошқарилганлигининг ўзи нақадар гўзал ва бетакрор шеърдир.

Сирожиддин Саййид "Осмонтолош чўққиси" ғазалидаги ноёб ташбеҳлар, ўхшатишлар фонида бугунги мураккаб инсоният ва дунёни ўзига хос тарзда тафаккур қилади:

*Еру осмон, жумла олам  
Бир иморатдир азал,  
Бунда кўрсанг: битта тому  
Ўй билан айвон талош.*

*Боқсанг оламга бир он  
Осмонтолошдан тик туриб,  
Одаму олам талош,  
Олам аро инсон талош.*

Кўплаб замондош ғазалнависларнинг ҳазрат Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур ва бошқа мумтоз шоирларимиз ғазалларига боғлаган мухаммасларини ўқиганмиз. Албатта, ҳар ким ўз даражаси, иқтидори доирасида буну урдалаган. Китобдан ўрин олган Навоий ғазалларига боғланган бир нечта мухаммасни ўқиб, Сирожиддин Саййид улғу боболаримизга муносиб ворис сифатида қалам тебратётганига шохид бўламиз.

Сирожиддин Саййид бутун ижоди давомида мумтоз шоирларимиз ижодига мурожаат қилиб келмоқда. Хусусан, унинг муқаддам ёзган "Юз ох, Заҳриддин Муҳаммад Бобур" лирик достонининг қайноқ ва самими таавсуротлари хали ҳамон ёдимиздан ўчган эмас. Достонни мутолава қилиш асносида биз муаллиф улғу боболаримиз ҳаёти ва ижодини ўта синчковлик билан ўрганибгина қолмай, балки беш аср аввал

яшаб ўтган шох ва шоир Бобурнинг ёрқин сиймосини меҳр-муҳаббат ила яратганини ва бугунги замондошларимизга тақдим этганини кўрамиз.

Эътиборлиси шуки, муаллиф "Онамнинг қулчалари" китобида яна бир залворли ишга қўл уриб, "Хамса хайратлари. Биринчи хайрат, "Хайратул аброр" номли ажойиб туркумини яратди. Асар сўзбосида эътироф этганидек, Алишер Навоий бобомизнинг ижоди бошдан-оёқ хайрат ва санъатдан иборат. Шоир йиллар давомида "Хамса" достонларини, жумладан "Хайрат ул-аброр"ни қайта-қайта ўқий, ижодий таъсирланиш тўғрисида ўзи ҳам хайратли сатрларни битади:

*Иноят барчаси Сендан,  
диёнат барчаси мендан,  
Каромат барчаси сендан,  
риоят барчаси мендан.*

*Ўзинг олий мақомдирсан,  
Ўзинг олий каломдирсан,  
Бу оят барчаси Сендан,  
қироат барчаси мендан, —*

дейди муаллиф "Муножот" шеърини. Мазкур туркумга кирган "Инсон. Тўрт унсур. Тўрт жавоҳир". "Ота ва она", "Хай тулғум, хай тулум", "Меҳмонлар", "Бир қавм шархи" ва бошқа кўплаб шеърларининг ҳар бири ҳеч муволағасиз алоҳида таҳлил ва таърифга муносиб.

Китоб сўнгидан ўрин олган фалсафий фикрларга бой, тўқ мағизли тўртликлар ҳеч бир мухлисни безътибор қолдирмайди:

*Ўзингдан ўзингга назарлар қилги,  
Ўзини энгилу зафарлар қилги,  
Бир буюк сафардир асли ҳар кунинг,  
Ўзингдан ўзингга сафарлар қилги.*

Бинобарин, инсон умрининг моҳияти ҳам шунда эмасми?

Сирожиддин Саййид ўзининг "Рухим харитаси", "Асрағил", "Салқин харсанлар тағида" каби илк китоблари билан мухлисларини топган. Улардан кейин муаллифнинг ўнлаб китоблари шеърхонлар диққатига ҳавола этилди. Таъбир жоиз бўлса, шоир шеърдан шеърга тадрижий равишда ўсиб, улғайиб, камолга етиб борди. Айни пайтда У ижоднинг энг қизғин, камолот палласида.

Шоирнинг камолот палласлари бардавмом бўлишини, шеърлари билан мухлисларни доимо хайратлар оламини етаклашини умид қиламиз. Сўз мўъжизаси, сўз хайрати ҳеч биримизнинг қалбимизни асло тарқ этмасин.



# Тараққиёт гарови

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мавжуд имкониятларни ишга солиш орқали бўш иш ўринлари яратишга қаратилаётган эътибор янши самара бермоқда.

## Музаффар НАМОЗОВ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази тинловчиси

Тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашиш, мулкдорларнинг ўзига тегишли бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш бўйича масъулиятини кучайтириш борасида қўрилаётган чоралар самардорлиги ҳам кўзга ташланмоқда.

Илгари хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлашда ёндашув ва иш услубининг тубдан ўзгаририлиши бир ярим мингдан ортиқ фаолият кўрсатмаётган, кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, ўн икки мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш имконини берди.

Аммо ҳали-ҳануз худудлардаги давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарга тегишли бўлган, шунингдек, ажратилган ер участкаларида тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган, собиқ жамоа ва ширкат ҳўжаликларини тугатиш даврида сотиб олинб, фаолият кўрсатмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилши тугалланмаган объектлар сақланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолат янги иш ўринлари яратиш имкониятининг йўқотилишига, ишлаб чиқариш қувватларининг маънан эскириши ва жисмонан емирилишига олиб келаётган бўлиб, улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни қўришни талаб этмоқда.

Фаолият кўрсатмаётган ва фойдаланилмайдиган турган объектлар мулкдорлари, барча даражадаги раҳбарларнинг мазкур объектлардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши бўйича масъулиятини кучайтириш, шунингдек, корхоналарни фаол ҳўжалик фаолиятига жалб этиш, шу асосда янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентнинг жорий йил 4 сентябрдаги "Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу бордадаги ишларни тизимли тартибга солиш ва такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қарорда илгари хусусийлаштирилган объектларни ҳўжалик фаолиятига жадал жалб этиш бўйича амалдаги механизм мулк ҳўқуқининг вужудга келиш асослари ва эгаллаган майдон ҳажмидан қатъи назар, барча тоифадаги қурилиши тугалланмаган объектлар, бўш турган бинолар, нотураш иншоотлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига нисбатан татбиқ этилади. Бу тизим мавжуд имкониятларни доимий ишга солиб бориши йўлга қўйди. Натияжада янги иш ўринлари яратиш имкониятлари кенгайди.

Эндиликда доимий мониторинг натижаларига кўра, тегишли худуддаги фойдаланилмаётган объектлар аниқланиб, уларнинг рўйхати шакллантирилади. Ана шундай объектлар фаолиятини тиклаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш бўйича "йўл хариталари" ижросини таъминламаётган мулкдорлар билан бирга ишлаб чиқилади. Аҳамиятлиси шундаки, тасдиқланган "йўл хариталари" ижросини таъминламаётган мулкдорлар, ишга масъулиятсизлик билан ёндашганларга қонунчиликда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилади.

Жорий йилнинг 15 сентябрдан бошлаб давлат мулки бўлган, аммо фойдаланилмаётган объектлар сотилган, давлат-хусусий шериклик асосида ижарага берилди.

Фойдаланилмаётган объектлар мулкдорлари — юридик шахсларга соддалаштирилган солиқда тортиш тартибидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда тўлашга ўтказиш чоралари қўрилади. Мол-мулк ва ер солиқларини икки қарра миқдорда тўлаш, 6 ой ўтгандан сўнг — беш қарра, 12 ой ўтгандан сўнг ва кейинчалик — ўрнатилган ставкага нисбатан ўн қарра миқдорда тўлаш тизимини жорий этилади. Бу эса ҳаракатсиз мулкдорларнинг фаолиятни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қарор асосида фақатгина мулкдорлар жазоланар эканда, деган фикрга бориш хато. Чунки қонун ҳужжатлари билан тадбиркорлик субъектларига рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларини бериш вазифаси юкланган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг айбига кўра инвестиция лойиҳасини амалга ошира олмаган мулкдорларга қарши чоралар қўрилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига идоралараро комиссия хулосаси белгиланган тартибда етказилганидан кейинги ойнинг 10 санасига қадар фойдаланилмаётган объектларнинг мулкдорлари — солиқ тўловчилар томонидан тегишли шаклдаги солиқ ҳисоб-китоблари тақдим этилмаган тақдирда идоралараро комиссия хулосаси асосида мол-мулк ва ер солиқларини оширилган ставкалар бўйича ҳисоблаш ва ҳисобланган суммаларни уларнинг шахсий қарточкаларига киритиш ҳуқуқи берилади.

Қарорда белгиланган вазифалар яқин бир ойда амалга татбиқ этила бошланади. Бу каби ислохотлар масъулиятининг ошириш, ўз вазифасини астойдил бажарадиган мулкдорлар қатлами шаклланишига олиб келади. Ижобий натижа ва самара эришиш учун эса қонуний асосларга таянган ҳолда меҳнат қилишимиз муҳимдир. (ЎЗА).

# "Агробанк": тезкор, қулай ва сифатли

## Қулайлик

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини, халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш мақсадида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бунда молия-банк соҳасининг алоҳида ўрни бор.

## Ислом СУЛТОНОВ

Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Валюта сийбостини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши аҳоли ва банк миқозлари, тадбиркор ва ишбилармонлар, хорижий инвесторларнинг соҳага ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётди. Мамлакатимиз молия-банк тизимида ўз ўрнига эга бўлган "Агробанк" акциядорлик тижорат

Булар ичида пластик карталар орқали хизмат кўрсатиш алоҳида ўрин тутади. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, банк томонидан аҳолига қарийб 2,4 миллион дона пластик карта, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларга 24 мингдан ортиқ корпоратив пластик карта муомалага чиқарилди.

Айни пайтда савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларига жойлаштирилган тўлов терминаллари сони 31,6 мингга етди. Жорий йилнинг 1 ноябрга қадар яна 300 дона замонавий банкومات келтирилиши ва улар йил охирига қадар аҳоли гажум жойларга ўрнатилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, "Агробанк" тизимида хизматлар сифатини ошириш, замонавий интерфаол ва инновацион хизмат турларини ривожлантириш доимий эътиборда. Жумладан, банкнинг "Agrobankmobile" иловаси орқали солиқ ва


божхона, коммунал, мобил алоқа, интернет ва телевидение, мактабгача таълим муассасалари учун тўловлар, жорий йилда йўлга қўйилган — онлайн конвенсия амалиёти, "Вақф" хайрия жамоат фонди учун вақф тўловлари, нотариус хизматлари ва бошқа тўловларни амалга ошириш мумкин.

"Agrobankmobile-biznes" мобил иловаси орқали юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ўзларининг ҳисобрақамларидида маблағларни тасарруф этиш (бошқариш), товар ва хизматлар учун тўловларни ўтказиш, вақт ва транспорт харажатларини тежаган ҳолда банкка тўлов ҳужжатларини юбориш, исталган муддат учун ҳисобрақамлардан кўчирмалар олиш ҳамда турли ҳисоботларни шакллантириш ва бошқа имкониятлар яратилган.

Бунда тегишли ҳужжатлар ва шартномаларни электрон расмийлаштирилган фермерлар "Agrobankmobile-biznes" иловаси

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фахрий журналист, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси **Саломхон САПАРОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

## АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



*Азиз устозларни  
1 ОКтябрь – ўқитувчи ва  
мураббийлар  
куни билан самимий қутлайди.*

*Ёшларга таълим-тарбия беришдек  
эзу ишларида улкан ютуқлар тилайди.*

*Халқимиз меҳрибон устозларни  
“Отадек улуғ” деб эъзозлайди.  
Уларга эл эҳтироми ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!*



Реклама

**HURRIYAT**  
Миллий ахборот
**Бош муҳаррир**  
**Кулман ОЧИЛ**

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. Баҳоли келишидан нарҳда

**Телефон:**  
 (0-371) 244-32-68, 244-32-91  
**Тел-факс:** (0-371) 244-32-80  
**Реклама ва маркетинг**  
 бўлими: (0-371) 244-32-88

**Манзил:** 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
 Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

 Газета таҳририят компьютер марказида терилди  
 ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.

**Навбатчи:** Холида Файзиева

**“O‘zbekiston” НМИУ** босмахонасида чоп этилди.  
 Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**Муассис:**  
 Ўзбекистон Журналистлари  
 ижодий уюшмаси

**Ахборот ҳамкоримиз:**  
 Ўзбекистон  
 матбуот ва  
 ахборот агентлиги

 Таҳририятга келган хатлар  
 доимий эътиборимизда бўлиб,  
 улар муаллифларга қайтарилмайди.

**Топшириш вақти** — 20<sup>00</sup>  
**Топширилди** — 18<sup>00</sup>
**Индекс:** яққа  
 олуначилар ва  
 ташиқлотлар  
 учун — 233

Адади: 2330 Буюртма — V-2427

1 2 3 4 5